



Нуриддин домла ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Хайр-саховат, меҳр-оқибат байрами

Ийдул фитр Рамазон рўзасининг тугаганини билдиради. Араб тилидаги “ийд” сўзи “такрорланиш”, “фойда-манфаат” деган маъноларни англатади. Ҳайит ҳар йили такрорланиб келгани ва унда Аллоҳ таолонинг неъматлари сероб бўлгани туфайли “ийд” деб аталган. “Фитр” эса “оғиз очиш”, “таомланишни бошлаш” дегани. Демак, “Ийдул фитр” рўзадан чиқиб, таомланишга ўтиш кунидир.

Ҳайит қайта туғилиш рамзи ҳамдир. Рамазонда инсон жисмини, руҳини поқлайди, нафсини тарбиялайди, фақат маҳбуб амалларни бажаради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Рамазон шундай ойки, Аллоҳ таоло сизларга унинг рўзасини фарз қилди. Мен сизларга унинг кечаларини қоим қилишни суннат қилдим. Ким унинг рўзасини тутиб, кечаларини иймон ва савоб умидида қоим қилса, гуноҳларидан онаси туққан кундагидек (поқ бўлиб) чиқади”**, деганлар (Имом Байҳақий ривояти).

Ҳайитнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳамда жамиятимизда саҳийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамияти беқиёс.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, бу (Ийд кун) бизнинг байрамимиз-**

дир”, деганлар (Имом Муслим ривояти). Мўмин-мусулмонлар Ҳайитни яқинлари даврасида ўтказадилар. Айниқса, ота-оналарга янада хушмуомалада бўлиб, хурсандчиликлар улашилади. Уларнинг дуоларини олади. Шунингдек, муҳтожлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, болаларни севинтириш энг савобли амаллардандир.

Ийд – Аллоҳ таолога қилинган холис тоат-ибодатлар, У Зотнинг бандаларига кўрсатган раҳмату мағфирати туфайли шукрона ва хурсандчилик изҳор қилиш айёmidир. Аллоҳ таоло: **«Аллоҳнинг фазли ва раҳмати ила. Ана шу билан хурсанд бўлсинлар. У улар жамлайдиган нарсалардан яхшидир”**, деб айт», деган (Юнус сураси, 58-оят).

Ийд улуғ ибодатни адо этишганидан сўнг бандаларга тақдим қилинган ўзига хос, улуғ раббоний зиёфатдир.

Ҳайит – инсон шаъни ва қадрининг нечоғли юксаклигини кўрсатувчи хайр-саховат, меҳр-мурувват айёми, диллардаги гина-кудуратлар заволга кетиб, ўрнини дўстлик ва ҳамжиҳатлик эгалловчи тил ва дил поклиги байрамидир.

Ҳайит кунлари дуолар қабул қилинади. Бу кунда баъзи жойларда одамлар урф қилиб, тўп-тўп бўлиб қабристонга, азали хонадонларга бориши, айниқса, аёлларнинг йиғи-сиғи қилиши, мотам либосини

Мундарижа

Хайр-саховат, меҳр-оқибат байрами	1
Муборак тухфа	3
Бошлари кўкка етган юртдошларимиз	4
Бой берилаётган инсонийлик	5
Ҳаммаси Аллоҳнинг илми билан бўлади	6
Шаҳару қишлоқда динимиз бир хил	8
Қиз узатишга шошилманг!	9
Каъба ҳожибининг қизи	10
“Sizni hech kimga alishmayman...”	12
Қизалоқнинг орзуси	13
Намозда фотиҳадан сўнг	
“Бисмиллаҳ”ни айтса... ..	14
Онадан сўкишнинг ҳукми	15
Ғам-андуҳни кетказишнинг 27 йўли	16
Қотилликдан ҳам оғир гуноҳ	18
Муваффақият омиллари	19
Мазҳаббошимизнинг ўғли	
Ҳаммодга насиҳатлари	20
Амаллар ниятларга боғлиқ	22
Ойша бинти Жаъфари Содик	23
Ризқни олис юртлардан излаганлар	24
Отамнинг олтин ўғитлари	25
Ялқовлик ва семириш суннатга хилофдир ...	26
Ўгай она	28
Офталмология асосчиси	30
Киши дўстининг динидадир	31
Идиш-товоқ ювиш ва саломатлик	32



кийиб олиши шаръан дуруст эмас. Бундай ношаръий амалларнинг ўрнига Аллоҳнинг тинчлик, хотиржамлик каби неъматларига шукр қилиб, эрта тонгдан ҳайит намозини адо этиб, кўпчилик билан қўлларимизни дуога очсак, қалбимиздаги истакларимизни Яратгандан сўрасак, иншоаллоҳ, савоби биздан умидвор бўлиб ётганларга ҳам етиб боради.

Ҳайит кунларида табаррук отахон, мунис онахонларга иймон ҳаловати, ёшларга тавфиқу ҳидоят тиланади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар зиёрат қилинади, бева-бечоралар ҳолидан хабар олинади.

Ҳайит арафасида кўни-кўшниларга меҳр-мурувват кўрсатиш билан бирга моддий ёрдамга муҳтож кишилар, яъни кам таъминланган оилаларга хайр-эҳсон қилинса, уларнинг хонадонларига ҳам байрам шукуҳи кириб келади.

Болалар ҳайит кунини ҳайитлик совға-саломлари билан сийланиши, узоқлашиб кетган қариндошлар, аразлашган дўст-яқинлар билан ҳайит баҳонасида алоқаларни тиклаш, ярашиб олиш лозим.

Ҳайитга янги кийимлар кийиш, хушбўйликлар суртиш – суннат. Зеро, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо: *“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ийdda ҳибара – чопон кияр эдилар”,* деган (Имом Шофеъий ривояти).

Рамазон ҳайитини мазкур одобларга риоя қилган ҳолда ўтказсак, ушбу улуғ кунни муносиб нишонлаб, кўплаб ажру савобларни қўлга киритамиз. Шу билан бирга, халқимиз орасида эзгулик, меҳр-оқибат бардавом бўлишига ҳисса қўшган бўламиз.

Муборак тухфа

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўлаб-қувватлаши туфайли Рамазон ойи бошланиши билан вилоятимиздан ҳам бир талай кам таъминланган юртдошларимиз муборак умра сафарига бепул бориб келдилар. Кузатиш жараёнида уларнинг хурсандчилиги, шодлиги, ҳаяжонларини кўриб, кўзёшларимни тия олмадим. Бу уларга муносиб тухфа бўлди, албатта. Аллоҳ суйган бу бандалар бир-бирларини қутлар, тинмасдан дуолар қилар эдилар. Шу лаҳзаларни кузатарканман, сўз мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг

хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон

бўлса, обод айлағай.

Бинобарин, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: ***“Бир биродаримнинг ҳождатида юриш мен учун мана бу масжидда (яъни Масжиди Набавийда) бир ой эътикоф ўтиришдан яхшироқдир. Ким биродарининг ҳождатини раво қилиб бергунигача у билан бирга юрса, Аллоҳ уни қадамлар тойиладиган кунда (қиёмат кунда) собитқадам қилади (қадами тойилмайдиган қилиб қўяди)”*** (Имом Табароний ривояти).

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ҳамда Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам ҳаж ва умра зиёратига бораётган ҳожиларимиз шукронаю дуода бўлаётганлари, албатта, бу дуолар ўзига катта куч бағишлаётганини айтиб, миннатдорлик билдирган эди. Аҳоли турмуш тарзи, моддий ва маънавий юксалиши биринчи ўринда эканини алоҳида таъкидлаганди. Ана шу хайрли ишда бунинг исботини кўриб турибмиз.

Аллоҳ таоло барча раҳбар ходимларнинг адолат сари ташлаган қадамларини собит, тан-жонларини саломат қилсин!

Умида ХОЛОВА,

Навоий вилояти бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси

Бошлари кўкка етган юртдошларимиз

“Буни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим!” дейди кучли ҳаяжон ила марғилонлик Моҳира Холматова.

Моҳира опа 25 йилдирки, ободонлаштириш бўлимида кўча супурувчи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Унга умра сафарига бориш ҳақида хабар келганида дастлаб қулоқларига ишонмади. Ахир, оддий фаррош аёлнинг топган-тутгани бу муборак зиёрат харажатига қаёқдан ҳам етсин! Аммо қалбида Аллоҳнинг байтига бўлган муҳаббати, у ерга бориш иштиёқи баланд эди. Кутилмаган хушxabардан – Рамазон ойида умрага бориш орзуси амалга ошганидан боши кўкка етди ва такрор-такрор шукрона айтаркан, Юртбошимиз ҳаққига хайрли дуолар қилди.

Учоққа чиқишдан олдин яна бир юртдошимиз Абдували Ҳакимов: “Умри кетмон кўтариб, далада ишлаб кексайган биз отахонларга бу кунлар қайда эди?! Жуда хурсандмиз. Бунинг учун Президентимизга раҳмат!” деди.

Бу хайрли иш қандай бошланди?

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 17 февраль куни Бухоро вилоятига ташрифи чоғида диний соҳа вакиллари билан учрашиб, уларнинг илтимос ва таклифларини сўраганларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров бир умр ҳалол меҳнат қилиб рўзғор тебратган, лекин тақдир тақозоси билан моддий шароити унча-



лик яхши бўлмаган эҳтиёжманд кишиларни умра зиёратига жўнатиш таклифини берган эди. Давлатимиз раҳбари мазкур таклифни



қўллаб-қувватлади. Адолат мезонлари асосида сараланган қарийб 1500 нафар камхарж ҳамюртимиз Рамазон ойи бошида муборак сафарга бориб келди.

Юксак ҳимматдан кўнгли шод, меҳнаткаш отахону онахонларни кўриб ҳаваси келди одамнинг! Уларни Аллоҳ суйган, деб баралла айта оласиз. Парвардигоримиз бу хайрли ишга бош-қош бўлган мутасаддиларнинг ажрларини беҳисоб қилиб берсин.

“Юртимизда инсон қадри баланд. Ўрганиб чиқсак, халқини умрага юбориш амалиёти бирорта давлатда йўқ экан”, дейди Муфтий ҳазратлари.

Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилади: **“Эҳсоннинг мукофоти фақатгина эҳсондир”** (Ар-Роҳман сураси, 60-оят).

Абу Ҳурайра розийаллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий алайҳиссалом бундай дедилар: **“Ким бир мўминдан бу дунёнинг ташвишларидан бирини аритса, Аллоҳ таоло ундан қиёмат кунининг ташвишларидан бирини аритади. Ким бир камбағалнинг ишини енгиллатса, Аллоҳ унинг бу дунёю охираат ишларини енгиллатади...”** (Имом Муслим ривояти).

Умрага бориб келган барча юртдошларимиз кўзда ёш билан муборак сафар чоғида юртимиз тинчлигини, файзу баракотини сўрадилар. Аллоҳ таоло уларнинг дуоларини ижобат, зиёратларини ҳусни мақбул айласин!

Зухраҳон ҲАМДАМОВА

Бой берилаётган ИНСОНИЙЛИК

Интернет – чинакам мўъжиза. Имкониятлари жуда кўп. У орқали дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бир зумда огоҳ бўламиз, таълим оламиз, хунар ўрганамиз, дўстлар орттирамиз ва ҳоказо. Мен интернетдан чиройли гуллар яшаш, ҳар хил либослар бичимини ўрганиш мақсадида фойдаланаман.

Афсус, бу воситани ўзининг енгил-елпи, ҳавойи ҳаёт тарзи йўлида қўллаётганлар ҳам йўқ эмас: интернетда ур-йиқит, ўлдириш-сўйишдан иборат воқеалар акс этган фильмларни соатлаб томоша қилиб, қотиллик, хиёнат, ёт маданиятни онгига сингдириб олмоқда улар. Ўз жонига қасд қилишдек оғир гуноҳни содир этаётган ёшлар қаердан пайдо бўляпти? Албатта, буларнинг ҳаммаси виртуал оламга нотўғри ёндашув оқибатида келиб чиқяпти.

Уч-тўрт йил бурун қиш куни бир ит кимсасиз далага ташлаб кетилган чақалоқни топиб, ўз соҳибининг уйига тишлаганча кўтариб келгани ҳақидаги хабарни ўқиб, даҳшатга тушгандик. Маълум бўлишича, ўткинчи ҳисга алданган қиз “хато”сини шу йўл билан яширишга уринган.

Ушбу шармандали ҳолат қандай юз берди? Нега ёшлар, айниқса, қиз бола ҳисларини жиловлай олмади? Биринчи сабаби гуноҳ ишдан кўрқмаслик бўлса, иккинчиси, ўзи ва оиласи шаънини ўйламасликдир. Бунга тошюраклик, шафқатсизлик ҳам қўшилди. Ҳайвонда бор раҳмдиллик инсонда топилмади... Ҳа, уят, андиша, ор-номус, меҳр-шафқат ҳисси унутилган жойда ҳар нарсани кутиш


мумкин. Айтиш жоиз, инсоний туйғулардан узоқлашиш лаҳзада содир бўлмайди. Оилада фарзанднинг хулқ-атворидаги ўзгаришларга эътибор қаратилмадими, телефон “тарбиячи”лик вазифасини бажара бошладими, бунга замин ҳозирланди деяверинг. Айрим қизлар телеграмда йигитлар билан соатлаб ёзишиб ўтиради. Аммо бундан ота-оналар беҳабар. Қизининг интернетда нима билан машғуллигини текшириб ҳам кўришмайди.

Маънисиз, ҳою ҳавас, нафсга эрк берадиган машғулотлар қалбни ўлдиради, иймонни сусайтиради. Шайтоний йўлларга рағбат уйғотади.

Бугунги кунда онгга интернетчалик кучли таъсир кўрсатадиган омилни топиш қийин. Чунки телефон экранига михланиб қолган баъзи ёшлар онгига қанчалаб салбий таъсирларни сингдираётганидан беҳабармиз. Улар ножўя ишга қўл урганда эса, бу ҳодиса қандай юз берганини тушунолмай ҳайрон бўламиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутун вужудга ўз таъсирини ўтказувчи қалбга эътибор қаратиб, бундай деганлар: **“Огоҳ бўлингларки, танада бир парча гўшт бор. Агар у тузалса, бутун тана тузалади. Агар у бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлингларки, у қалбдир”** (Имом Бухорий ривояти).

Унутмайлик, айтиш жоиз, кучга тўлган, ҳар бир ҳаракатида ғайрат ва шижоат сезилиб туриши керак бўлган навқирон авлоднинг беҳуда, зарарли машғулотларга чалғиши энг катта имкониятни исроф қилиш демакдир. Бундан ҳар биримиз тўғри хулоса чиқаришимиз зарур.



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ مِنْ نُطْفَةٍ ثُمَّ جَعَلَكُمْ أَزْوَاجًا وَمَا تَحْمِلُ مِنْ أُنْثَى وَلَا تَضَعُ إِلَّا بِعِلْمِهِ وَمَا يُعَمَّرُ مِنْ مُعَمَّرٍ وَلَا يُنْقَصُ مِنْ عُمُرِهِ إِلَّا فِي كِتَابٍ إِنَّ ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ

Имом Абу Мансур МОТУРИДИЙ

Ҳаммаси Аллоҳнинг илми билан бўлади



Аллоҳ сизларни тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб қўйди. Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур. Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши ёки унинг умрининг қисқартирилиши албатта китобда бордир. Албатта, бу Аллоҳга осондир (Фотир сураси, 11-оят).

“Аллоҳ сизларни тупроқдан яратди”. Яъни сизларни кўп бўлишингизга қарамасдан дастлабки ҳолатингиздан бошлаб то Одам алайҳиссалом яратилган тупроқда бориб тугайдиган охирги ҳолатингизгача (аниқ) белгилади. Чунки (алхолқ) “яратиш” сўзи луғатда (ат-тақдийр) – “белгилаш” маъносини билдиради.

“Сўнгра нутфадан яратди”. Яъни сизларни кўп ва катта бўлишингизга қарамасдан ўша нутфадан (муайян ҳолатда)

вужудга келтирди. Аллоҳ таоло кўп бўлишимизга қарамасдан бизларни ўша тупроқ ва ўша сув (маний)дан (аниқ ўлчов билан) вужудга келтиришдаги Ўзининг тадбири ва илми ҳақида хабар бермоқда. (Ҳозирда эса) биз (дастлабки ҳолатимиздаги) ана ўша тупроқ ва нутфа кўринишида эмасмиз. Бундан мақсад бизларни йўқдан бор қилиш тадбирини қилган, барчани ўша тупроқ ва нутфадан (аниқ ўлчовда) яратишга қодир бўлган Зотни ҳеч бир нарса ожиз қолдирмаслигини билсинлар. Ёки У Зот яратилишимизни мана шу тупроқ ва сув (маний)га нисбат бериши улар бизнинг аслимиз ҳамда дастлабки ҳолатимиз эканлиги жиҳатидандир. Шунингдек, тупроқ ва сувни яратишдан мақсад ҳам аслида мана шу яратишдир. У ҳам бўлса охират (ҳаётидир). Бошланиш (дунё)дан оқибат (охират) мақсад қилинганда оқибат (охират) бошланиш (дунё)га нисбат берилган ҳолда келтирилади.

“Сўнгра сизларни жуфт-жуфт қилиб қўйди”. Яъни баъзингиз баъзингиздан таскин топишингиз учун сизларни (дастлаб) тупроқ ва (кейин) нутфадан эркак ҳамда аёл қилиб яратди. Ёки оят **“Сизларни жуфт-жуфт (синф-синф) қилиб яратди”** маъносида бўлиши мумкин. Ибн Масъуд розийаллоху анхунинг қироатида (Валлохуллазий қолақоқум мин нафсин ваҳидатин сумма жаъалакум азважан) **“Аллоҳ сизларни бир жондан яратган сўнгра сизларни жуфт-жуфт қилиб қўйган Зотдир”** шаклида келган. Валлоху аълам!

Аллоҳ азза ва жалла деди: **“Қайси бир урғочи нимага ҳомиладор бўлса, нимани туғса, фақат Унинг илми билан бўлур”.** Аллоҳ таоло – валлоху аълам – шундай демоқда: “Қайси бир урғочи ҳомиладор бўлса, ҳомиладор бўлган илк вақтидан ҳомила етилишининг охирги вақтигача фақат Аллоҳнинг азалий илмида маълум. Шунингдек, барча ҳомиладорнинг туққан нарсасини то уларнинг охирги ҳолатигача, фалон вақтда фалончидан фалон нарсага ҳомиладор бўлиши ҳамда фалон вақтда фалон нарсани туғиши Унинг азалий илмидадир. Аллоҳ таоло (ушбу оятда) инсонларнинг дастлаб шаклланишидан уларнинг охирги ҳолатларигача барчаси Аллоҳ таолонинг ана ўша тақдири билан бўлишини хабар беради. Валлоху аълам!

“Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши ёки унинг умрининг қисқартирилиши, албатта, Китобда бордир”. Баъзилар айтади: **“Ҳар бир умр кўргувчига умр берилиши”**, яъни қанча узун бўлса ҳам, узоқ умр берилиши, “унинг умри қисқартирилмайди”, яъни узун бўлмаган қисқа умр берилиши **“Фақат китобда бордир”**, яъни мана шуларнинг барчаси фақат Китобда узун ёки қисқалиги очиқ-ойдин баён қилингандир”. Баъзилар: **“Ҳар бир**

умр кўрувчига умр берилиши” оятини: **“Умри узун ва узоқ яшаган ёки умри қисқа кишига (тақдирига) ёзилган муддатгача умр берилади”**, деб таъвил қилди. Сўнгра **“Унинг умридан қисқартирилмайди, фақат Китобда бордир”** оятини: **“Умрининг ҳар соати ва ҳар куни то ажалига етиб келгунча у яратилишидан олдин Лавҳул Маҳфузда битилгандир”**, деб таъвил қилдилар.

“Албатта, бу Аллоҳга осондир”. Бу таъвил эгаси бундай дейди: **“Аллоҳ таоло Лавҳул Маҳфузга ажаллар китобини битган вақтда (бу иш) Унга осон бўлган эди”**, деди. Бошқаси Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти ҳақида шунга яқин маънони айтиб: **“Унинг умридан туну кун ва соатларнинг ўтишидан қисқартирилмайди, (илло ҳаммаси) фақат Китобда (битилгандир)”**, дея таъвил қилган. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир жонга тугайдиган умрни битиб қўйди. Натижада туну кун ўтиши унинг умрини қисқартиради ва белгиланган ажал (белгиланган муддат)га етиб боради. Кимга узоқ умр берилса ва у кексалик ёшига етса ёки қисқа умр берилса, у, албатта, ажалигача етиб боради. Мана шу нарсалар Китобда битилгандир. **“Албатта, бу Аллоҳга осондир”** ояти қуйидаги маънода бўлиши мумкин: **“Албатта, мана шуларни битмай туриб сақлаш Аллоҳга осон ва енгилдир”.** Шунингдек: **“Албатта, бу Аллоҳга осондир”** ояти шундай маънода бўлиши жоиз: инсонларни илк пайдо қилиш ва уларнинг (ривожланиш жараёнида) ҳолатларини ўзгартиришдан тортиб то охирги маҳалларигача барчасини билиш ва аниқ ўлчовли қилиш У Зотга осондир. Яъни Унга ҳеч нарса махфий эмасдир”.

“Таъвилотул Қуръон” тафсиридан
Абдулатиф АЛЛОҚУЛОВ таржимаси

Аллоҳ таоло бандаларига инъом этган катта неъмат муқаддас Ислом динини мукаммал қилиб берганидир. Раббимиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳажжатул вадода турганларида нозил қилган ушбу оятда бундай дейди: **“Бу кун динингизни камалотга етказдим, неъматимни тамом қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин деб рози бўлдим”** (Моидасура, 3-оят).

Ушбу диннинг мукаммал эканини Аллоҳ айтди. Бундан аён бўладики, динга ҳеч қандай қўшимчалар киритиш, уни такомиллаштиришга уринишга ҳожат йўқ.

майдиган даражага етди. Шунда ҳалиги қўшни аёл: “Болажонга куёвлик насиб қилмади, йигит бўлиб бир қиз сочини силаёлмай кетди. Армон бўлмасин, ёр-ёр айтиб, уни “куёв” қилайлик. Чимилдиқ ва янги кийимларини олиб келинглар”, деди. Бирпасда қўшни хонадан хонадон соҳибаси ва синглиси чимилдиқ, янги оппоқ кўйлак, қоп-қора костюм-шим, дўппи, туфли олиб чиқди. Ҳалиги аёл кўлида иккита мих ва болғача билан деворга чимилдиқ қоқишга киришиб кетди. Вазият ўта қалтис, бир оғиз ноўрин сўз азадорларнинг дилини

Шаҳару қишлоқда динимиз бир хил

Лекин, афсуски, ана шу ишга беҳуда ҳаракатлар кўп бўляпти. Биз ана шундай “янгилар” – бидъат-хурофотларни таниб, билиб олишимиз ва улардан эҳтиёт бўлишимиз баробарида бошқаларни ҳам улардан огоҳлантиришимиз керак.

Вазият тақозоси билан туман марказидаги хонадонлардан бирига жаноза маросимига хизматга бордим.

Мени маййит ётган хонага бошлаб киришди. У ерда 40–45 ёшлардаги хонадон соҳибаси, 60–65 ёшлардаги онаси, 90 ёшлардан ошган бувиси ўтирганди. Марҳум уй эгасининг 18 ёшли ўғли эди. Йигитча туман марказидаги касб-ҳунар коллежларидан бирида ўқир, қон касалидан даволаниб юрар эди. Маййитнинг яқинларига таъзия билдириб, уларга сабр тилаб тургандим, хонага айюҳаннос солиб 50 ёшлардаги қўшни аёл кириб келди. У нуқул: “Вой дод, дастингдан дод, бу ёшгина йигитда нима қасдинг бор эди?! Сенга нима ёмонлик қилувди, нега унинг жонини олдинг?!” деб тиззаларига муштлай кетди. Табиийки, жисмининг бир парчаси – боласидан айрилиб, қалби изтиробга тўлиб турган аёл ҳам, қариндошлари ҳам унга қўшилиб қий-чув қилиб, уввос солиб йиғлай бошлашди. Вазият бошқариб бўл-

ранжитиб қўйиши мумкин. 90 ёшлардан ошган, чайиргина бувига: “Онажон, умрингиз давомида келин ёки куёв бўлмай дунёдан ўтганларни кўрганмисиз?” деб юзландим. Онажон: “Икки нафар укам, бир қизим ҳам чимилдиқ кўрмай ўтиб кетишган”, деди. Мен: “Онажон, уларни ҳам кийинтириб, чимилдиққа киритиб, “келин-куёв” қилиб, ёр-ёр айтиб, кейин кўмганмисизлар?” деб сўрадим. Онажон: “Йўқ, болам, бу нимаси?!” деди. Фурсатдан фойдаланиб: “Нега унда чеварангизга бундай қилишларига йўл қўйиб беряпсиз?” дедим. Онажон: “Биз қишлоқда яшаймиз, шаҳарнинг удуми шунақа деб ўйлабман-да, болам”, деди. Мен эса дин, шариат ҳукми ҳамма мусулмонларга бир хиллигини тушунтирдим. Кийим кийдираман, деб маййитга озор бериш мумкин эмаслигини, бу ишнинг бидъатлигини, бидъат эса залолатга бошлашини тушунтирдим.

Аллоҳга шукр, қалби очиқ инсонлар экан, тушунишди. Бидъат-хурофотга йўл қўйилмади, Аллоҳ тавфиқ берди. Ўзи барчамизни тўғри йўлда собит қилсин!

Нозбуви ТЕМИРОВА,

Самарқанд вилояти бош имом-хатибнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси





Қиз узатишга шошилманг!

Ҳазрат Али розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **“Эй Али, уч нарсани кечиктирма: (вақти) келганида намозни (адо этишни), ҳозир бўлганида жанозани (дафн этишни) ва тенгини топганингда эрсиз аёл-қизни (турмушга беришни)”** (Имом Термизий, Имом Аҳмад ва Имом Ҳоким ривояти).

Ҳикматда шошилиш шайтондандир, лекин меҳмон келса, дастурхон ёзиб, таом бериш, майитни тезроқ кафанлаб кўмиш, балоғатга етган қизни узатиш, бўйнидаги қарзни узиш, гуноҳ қилиб қўйса, тавба қилишда ундай эмас, дейилади.

Ушбу ҳадису ҳикматда қиз-аёлларга муносиб жойдан куёв чиқса, тезроқ узатишга тарғиб бор. Лекин куёв одобли, яқинлари салоҳиятли бўлмаса, асло шошилиш керак эмас.

Албатта, не-не орзу-умидлар билан гўзал тарбия бериб ўстирган қизингиз яхши жойга тушса-ку жонингиз ором топади. Аммо нобоп хонадонга тушиб қолгудек бўлса, Аллоҳ асрасин, ҳаловатдан айриласиз.

Бинобарин, оилавий можароларда кўпроқ қайноналарнинг зуғуми асосий сабаб бўляпти. Чунки улар келинни ўз қизидек қабул қилмаяпти. Улар келинни бошидан эгиб олиш керак, деб нотўғри ўйлаяпти ва бунинг оқибатида аксарият қайноналар ёш келинчака қўлдай муносабатда бўлмоқдалар.

Абу Зар розийаллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилдилар: **“Биродаринг юзига табассум билан боқишинг ҳам садақадир”** (Имом Термизий ривояти).

Ушбу ҳадисга амал қилган ҳолда, Аллоҳга шукр қилиб, ўғлим борки, хонадонимга келин келди, деб унга очиқ юзли, меҳр-муҳаббатли бўлинг. Қанча меҳр берсангиз, қалбингиз шунча нурга тўлади.

Ота-онаси ардоғида вояга етган заифа бутунлай бошқа оилага, ўзгача муҳитга тушиб қолса, унинг руҳиятида нималар юз беришини тасаввур қилиш қийин иш. Ибратли оилада тарбия топиб, нобоп оилага келин бўлиб қолган қизнинг сўзларига қулоқ солинг:

“Менинг қизлик уйимдагилар каттаю кичикни иззат-хурмат қилиб, сизлаб гапиради. Келин бўлган хонадонимда эса муҳит бошқача экан. Эрталаб нонуштами ё кечки овқатми, қачон йиғилиб ўтирсак, гаплари фақат ғийбат бўлади, ҳамманинг устидан кулиб ўтиришади, ҳар бир одамга лақаб қўйиб олишган. Менинг лақабим – “Нозанин” эмиш. Ўтирсам – ўпоқ, турсам – сўпоқман. Бу орада иккита болали бўлдим. Бундай муҳит фарзандларим тарбиясига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирдаман”.

Келиннинг хавотири чиндан ҳам ўринли. Айрим оилаларда тарбиянинг сустлиги ачинарли ҳол, албатта. Қайнона-қайнота ёшларга панд-насиҳат қилиш ўрнига бировларнинг айбини топиб ўтириши яхши эмас. Икки фарзанднинг онаси бўлган бу келинимиз сабр билан болаларини тўғри тарбиялашга жидду жаҳд қилаверади, албатта. Аллоҳ хоҳласа, ажрини қўлга киритиб, келажакда меҳнатларининг мевасини кўражак.

Хулоса шуки, биз катталар қизларимизни турмушга беришдан аввал куёв тарафни яхшилаб сўраб-суриштирайлик, асло шошилмайлик. Ахир, ота-боболаримиз куёв ё келин танлашда етти пуштини обдон суриштириб, сўнг қудалик риштасини боғлашган. Зеро, авлоднинг ким бўлишида аجدодларнинг аҳамияти каттадир. Шунини унутмайлик, азизлар!

Ҳосият ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Косонсой тумани “Ровот” маҳалласи отинойиси



Қаъба ҳожибининг

қизи

Сафия бинти Шайба Маккада дунёга келган. Саҳобалар ва тобеинлар даврида ўз ўрни ва обрў-эътиборига эга бўлган бу аёл оилада ягона қиз эди. Заҳабий раҳимахуллоҳ Сафия бинти Шайбани Набий алайҳиссалом ҳаётлик чоғида дунёга келган, деб келтиради. Чунки у Фатҳ куни Набий алайҳиссаломнинг суҳбатида бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Сафия у зотни ўз туяларида Қаъбани қандай тавоф қилганларини кўрганини ривоят қилган.

Сафия ҳам фақиҳа, ҳам олима бўлиб танилди. Сафиянинг Исломга киргани ва Фатҳ кунидан олдинги ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Аксар манбалар Сафиянинг ўзи ҳам, отаси ҳам, онаси ҳам Набий алайҳиссаломни кўриб, у зотга саҳоба бўлганларини тасдиқлайди.

Сафиянинг онаси Умму Усмон Барра бинти Суфён ибн Саид деган аёл бўлган. Сийрат уламолари бу аёлнинг байъат қилган аёллар қаторида муносиб ўрни борлигини келтиради.

Сафиянинг отаси Шайба Макка фатҳ этилган куни мусулмон бўлди. Бунгача у Исломга қарши курашганлар сафида фаол эди. Шайба ҳатто Фатҳ куни ҳам Исломга самимият билан эмас, балки кўрққанидан кирган эди.

Шайбанинг қизи Сафия бундай хотирлайди: «Отам Шайба ибн Усмон Қаъбаи муаззаманинг ҳожиби ва солиҳ киши эди. Отам Исломга қандай мойил бўлгани ва Аллоҳдан ҳидоят қандай етганини қуйдагича ҳикоя қилиб берган эди: “Ота-боболаримиз яхшилиқдан чекиниб, жоҳилиятда яшаб ўтган ҳаётдан кўра ажаблироғини

кўрмадим. Фатҳ куни Расулulloҳ Маккага музаффарона кириб келдилар ва Ҳунайн ғазотига чиқдилар. Ўзимча айтдимки, мен курайшликлар билан Ҳавозинга бораман. Шу жойда Муҳаммадга зарар етказишга имкон бўлади. Ҳамза ибн Абдулмутталиб Ухуд куни отамни жангда қандай қатл этганини эслайман. Яна амаким Жандални Али ибн Абу Толиб ўша куни қатл этгани ҳам кечагидек ёдимда. Ичимда бугун Муҳаммаддан қасос олиш вақти етиб келди, деб ўйладим. Агар араб ва ажамлардан бирон киши қолмасдан фақат Муҳаммадга эргашганлар қолса ҳам, ҳеч қачон унинг йўлига юрмайман, ота-боболарим динидан асло воз кечмайман, дедим. Шу ниятим йўлида қулай фурсатни кутдим. Қувват ва шижоатим тобора ошиб борарди. Бир куни у зотнинг олдиларида турганимда одамлар узоқлаб, бир ўзим қолдим. У зот хачирларидан тушаётганларида қиличимни қинидан суғуриб, қабих режамни амалга оширмоқчи бўлдим. Қиличимни кўтарганимни биламан, кўққисдан у зот билан орамизда худди чақиндек тутунсиз аланга пайдо бўлди. Мен унда қуйиб қолмай, деб ўзимни четга олдим. Қиличимни ташлаб, кўрққа-

нимдан қўлларим билан юзимни тўсдим. Шунда у зот Аллоҳнинг ҳимоясида эканларига аниқ ишондим. Мени бу ҳолда кўриб Набий алайҳиссалом: “Эй Шайба, бу ёққа кел”, деб қолдилар. Қўрқа-писа олдиларига бордим. У зот қўллари билан кўксимни оҳистагина силаб: “Эй Аллоҳим, ундан шайтонни йироқ қил”, дедилар. Бир вақт бошимни кўтарганимни биламан, у зот менга қулоғим, кўзим ва қалбимдан кўра маҳбуброқ бўлиб қолдилар. Аллоҳ мендаги васвасани кетказган эди».

Улуғ Фатҳ куни Расулуллоҳ алайҳиссалом омонлик ва афвда кенглик қилдилар. У зотнинг омонлик ва афв ҳақида айтган сўзлари Макка аҳлининг қулоғига етиб борди. У зот ўзларига адоват қилган одамларни кечириб: “Ким Абу Суфённинг ҳовлисига кирса, омонликда. Ким эшигини ёпиб олса, у омонликда. Ким масжидга кирса, у омонликда”, дедилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом Усмон ибн Талҳани сўрадилар. У чақириб келинди. У зот: “Бу сенинг калитларинг. Бугун яхшилик ва вафо куни”, дедилар, яна: “Эй Бани Шайба, уни олинглар, тоабад сизларники, сизлардан уни золимдан бошқа ҳеч ким тортиб олмайди”, – дедилар («Фатҳул Борий»). Сафиянинг отаси Шайба ибн Усмон ибн Абу Талҳага нисбат берилиб, ҳожиблар “шайбийлар” деб аталади. У Усмон ибн Талҳанинг амакисининг ўғлидир. Усмон ибн Талҳадан унинг амакисининг ўғли Шайбага берилган. Бугунгача калитлар Шайбанинг авлодлари қўлида. Бу ҳодиса ҳақида Аллоҳ азза ва жалла шундай оятларни нозил қилди:

«Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради. Албатта, Аллоҳ сизларга энг яхши панд-насиҳатлар қилур. Албатта, Аллоҳ эшитувчи, кўргувчи Зотдир» (Нисо сураси, 58-оят).

Сафия бинти Шайба нубувват замонида яшаб, мўминларнинг оналари Ойша бинти Абу Бакр Сиддиқ, Умму Ҳабиба, Умму Салама ва бошқалардан келтирган ҳадис ривояти бор. Сафия бинти Шайбадан ўғли Мансур ибн Абдурахмон Ҳажабий, невараси Муҳаммад ибн Имрон Ҳажабий, инисининг ўғли Абдулҳамид ибн Жубайр ибн Шайба ва бошқа инисининг ўғли Масофиъ ибн Абдуллоҳ ибн Шайба ва бошқа инисининг ўғли Мусъаб ибн Шайба ибн Жубайр ибн Шайба, Ҳасан ибн Муслим, Иброҳим ибн Мажохир, Яъқуб ибн Ато ибн Абу Рабоҳ, Қатода, Умар ибн Абдурахмон ибн Муҳайсин Саҳмий Муқрий ва бошқалар ривоят қилишган. «Саҳихайн»да Сафия бинти Шайба ривоятидаги бешта ҳадис бор. Шунинг учун уни “асҳобул хамса” (беш дона ҳадис ривоят қилган ровийлар) деб аталган.

Сафия бинти Шайба умрини кўпроқ илм ва ҳадис ривоят қилиш билан ўтказди. Бу аёл ҳам узоқ яшаган саҳобия аёллар қаторида зикр этилади. Тарихий маълумотлар Сафия бинти Шайбанинг хулафои рошидин даврида ва умавийлар халифалиги даврининг ярмига қадар ҳаёт бўлганидан далолат беради. Лекин унинг қачон вафот этгани аниқ эмас. Чунки сийратини тадқиқ этган манбалар унинг вафот этган вақти ҳақида аниқ маълумот бермайди. Имом Заҳабийнинг айтишича, у Валид ибн Абдулмалик ҳукмронлигига қадар яшаган. Умар Ризо Каҳҳола «Аъломун-нисо» китобида ҳижрий 90-йиллар атрофида вафот этган деб келтиради.

Кўриб ўтганимиздек, Сафия бинти Шайба саодат асрида яшаб, Пайғамбаримизни кўриш, у зотнинг суҳбатларида бўлиб, ҳадис ривоят қилиш, ҳатто дуои хайрларини олишга мушарраф бўлди. Унинг дунёда энг бахтли аёллар қаторида экани айtilган хабарлар ҳадис китобларида бор.

Манбалар асосида
Шаҳноза ЭРАЛИЕВА тайёрлади.

"Sizni hech kimga alishmayman..."

Bu – Bani Ma'andagi qarindoshlarini ziyorat qilish uchun onasi bilan borgan bolakay Zayd ibn Horisa.

O'shanda bir qabila Bani Ma'anni bosib oldi. Zayd asir tushdi. Keyin uni Makka bozorida qul qilib sotishdi. Bunday bosqinchiliklar Islomdan oldin keng yoyilgan edi (bu kabi holatlar Alloh harom qilgan amallar jumlasidan hamdir). Zaydni Hakim ibn Hizom sotib oldi va amakisining qizi Xadichaga, Xadicha esa Rasululloh sollallohu alayhi va sallamga hadya qildi. U zot o'sha kezlarda hali risolatga musharraf bo'lmagan edilar.

Zaydning ota-onasi uni izlashar, yo'lovchilardan, karvonlardan: "O'g'limiz Zaydni ko'rmadingizmi?" deb so'rashardi.

Eng uzoq yurtlarga safar qilishga, o'g'illarini sog'-salomat topish uchun tuya va mollari sarflashga tayyor edilar.

Qanchadir vaqt o'tib, Zayd Makkaning oliy nasabli oilasidan bo'lgan kishi qaramog'ida ekanidan xabar topdilar. Zaydning otasi o'g'limga ega chiqqan odam bolamni qaytarib olishim uchun ko'p narsa talab qilsa kerak,

deb o'yladi va qarindosh-urug'idan mol to'play boshladi. Xiylagina mulk va pul evaziga Zaydni qaytarishlarini so'rab Rasululloh sollallohu alayhi va sallam xonadonlariga keldi. Ammo Zayd Nabiy alayhissalom bilan yashagani, majlislarida hamroh bo'lgani, yonlarida uxlagani va bag'irlarida saodatini his etgani uchun u zotni qattiq yaxshi ko'rib qolgandi. Payg'ambarimiz alayhissalomning tarbiyalari va hayot tarzlari Zaydni o'ziga rom etgandi. Shu bois u "Qani endi oilamga qaytmasdan, Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning yonlarida abadiy qolsam", deb orzu qilardi.

Lekin ota-onasi keldi. Horisa: "Ey Abdulmuttalibning, o'z qavmi sayyidining o'g'li. Siz Haram egalarisiz, asirlarni ozod qilib yuborasiz va tutqunlarni taomlantirasiz. Huzuringizga bolamizni qidirib keldik, bizga yaxshilik qiling, uning tovonini kamroq so'rang", dedi.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallam: "Zaydni chaqiringlar va ixtiyorni o'ziga beringlar. Agar sizni tanlasa, hech qanday tovonsiz u siznikidir. Aksincha, meni tanlasa, Allohga qasam, meni ixtiyor qilgan kishini tovon evaziga fido qiluvchi – sotuvchi emasman", dedilar.

Horisa o'g'lini hech bir evazsiz olib ketishi mumkinligidan quvondi. Zayd kelib, otasi va amakisi bilan ko'rishdi. Unga oilasiga qaytish yoki Rasululloh sollallohu alayhi va sallam yonlarida qolish ixtiyori berildi. Zayd: "Xoh otam bo'lsin, xoh amakim, sizning o'rningizga boshqa kishini ixtiyor etmayman", dedi. Payg'ambarimiz alayhissalom bolaning bu muhabbatidan, tanlovi natijasidan xursand bo'ldilar. Zaydni ergashtirib Ka'baga bordilar va: "Ey odamlar, ey Makka ahli, guvoh bo'linglar, Zayd mening o'g'limdir. Agar o'lsam, u vorisim bo'ladi va agar u o'lsa, men uning vorisi bo'laman", deb jar soldilar. Shundan so'ng bolani Zayd ibn Muhammad deb atay boshlashdi.





Darhaqiqat, Zaydning otasi o'g'lini solih, yaxshi, mehribon, o'g'liga ozor bermaydigan kishi bilan birga ekanini ko'rib xotirjam bo'ldi. Shunga o'xshash holat hozir ham ko'p uchraydi. Bir bolaning amakisidikida yashashni ota-onasi bilan turishdan ko'ra ko'proq istashi yoki bobosini ota-onasidan ko'ra ko'proq yaxshi ko'rishi uchrab turadigan hodisa.

Shunday ekan, Zaydga odamlar orasida eng mehribon insoni bilan ota-onasi o'rtasida tanlash imkoni berilganida kutilgan javob bundan boshqacha bo'lishi mumkinmidi?

Zayd ulg'aygach, uylanib o'g'il ko'rdi. Unga Usoma deb ism qo'ydi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam Usomani qattiq yaxshi ko'rardilar: "Suyuklining o'g'li suyukli", derdilar.

Rasululloh sollallohu alayhi va sallamning Zaydni yaxshi ko'rishlariga o'g'illari vafot etgani yoki uning chiroyi sabab emasdi. Chunki Zayd qora tanli, past bo'lyi kishi edi. Odamlar ko'rinishi bilan emas, balki fe'l-atvori, axloqi va qilgan ishlariga qarab qalbimizdan joy oladi. Rasululloh sollallohu alayhi va sallam ham shular tufayli Zaydni yaxshi ko'rdilar. Boshqalar ham bu samimiy muhabbatdan xabardor edi.

"Kim seni u zotdek yaxshi ko'radi?" kitobidan **Yulduz KOMILOVA** tarjimasi

Қизалоқнинг орзуси

Шод-хуррам ўтирган эр-хотиннинг ҳазиллари зил бўлди. Гап талашиб орада жанжал чиқди. Иккаласи ҳам оғзига келганини қайтармади. Ўзларини кузатиб турган болаларининг борлигини ҳам эсдан чиқаришди. Бақир-чақирдан сўнг аёл йиғлаб ичкари хонага кирди. Ортидан қизчаси ҳам эргашиди. Қизининг маъюс, ёшга тўла мунчоқ кўзлари онасига зорланиб тикилиб турарди. Она аччиғидан унга эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Қизалоқ тафтли қўллари билан бўйнидан маҳкам қучоқлаб олганидан сўнг аёлнинг ҳуши жойига келди. Митти қўллари кўйиб юбормай, маржондек тизилиб оқаётган кўз ёшлари билан онасини овутишга ҳаракат қилди:

– Онажон, йиғламанг, бизни ташлаб кетманг! Нега дадамнинг сўзларига "Хўп!" дея қолмайсиз?! Ахир, дадам уришсалар ҳам, бизни яхши кўрадилар-ку...

Бу гапдан аёл қаттиқ таъсирланди. Наҳотки, шунчалик худбинлашиб кетди?! Шу қизалоғичалик ақли йўқми? Қизча онасини қучоғидан бўшатди ва қўлига бир конверт тутқазди. Аёл ажабланиб конвертни очиб, ичидан бир қоғозни олди. Унда "Онажон, дадажон! Мен сизларни жуда яхши кўраман! Илтимос, ҳеч қачон уришманглар!" деган ёзув бор эди. Аёл кейинги вақтларда эри билан гап талаш-шишлари кўп бўлаётгани ва эр-хотин бир-бирини айблашдан чарчамаётганларини ўйлаб қолди. Бу ҳолат фарзандларига салбий таъсир қилиб, уларнинг тушқун кайфиятда юришларига сабаб бўлаётганини англаб, юраги эзилди.

Дарҳақиқат, ҳозир кўп учраётган бундай воқеалар кишини ранжитиши аниқ. Ахир биз ота-оналар фарзандларимизга гўзал хулқ ва чиройли тарбия бермоғимиз зарур эмасми? Ўша гўзал хулқ ўзимизда бўлмаса-чи?!

Динимизда одоб масаласи ибодат мақомидадир. Гўзал хулқ соҳиби бўлган ота-оналарнинг фарзандлари ҳам буюк инсонлар бўлиб етишадилар, иншоаллоҳ.



Меҳригул ШОНАЗАРОВА,
Қизилтепа тумани "Ҳафқориён" маҳалласи отинойиси





НАМОЗДА ФОТИҲАДАН СЎНГ “БИСМИЛЛАҲ”НИ АЙТСА...

САВОЛ: Фарз намозларни ўқиётганимда 3–4-ракатларда Фотиҳадан кейин адашиб “Бисмиллаҳ...”ни айтиб юборяман. Намозим бузилмайдими?

ЖАВОБ: Фарз намозларининг ҳамма ракатларида Фотиҳа сурасини ўқигандан кейин “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” айтилмайди. Билмай айтиб қўйса, намоз бузилмайди, лекин суннатга хилоф иш қилинган бўлади.

САВОЛ: Ақиқа учун эчки сўйса бўладими?

ЖАВОБ: Ақиқа қилинадиган жониворлар тўрт қисмга бўлинади.

1. Туя; 2. Мол; 3. Қўй; 4. Эчки.

Булардан бошқа жониворларни, жумладан, от, кийик, курка, товуқ, хўроз кабиларни ақиқа қилиш жоиз эмас, бидъат.

САВОЛ: Мушук савдоси жоизми?

ЖАВОБ: Мушук савдоси жоиз. Чунки у билан сичқон ва зарар кунанда ҳашаротлар зараридан сақланиш мумкин.

САВОЛ: Касал одамга эҳсон бериб ёрдам қилса, у ўша пулларни озиқ-овқатига ёки кийим-кечагига ишлатса бўладими? Эҳсон қилган одамнинг эҳсони қабул бўладими?

ЖАВОБ: Эҳсон қилинган маблағ ҳақдорнинг мулкига айланади ва уни ўзи хоҳлагандай тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, эҳсон берувчи ҳам: “Фақат дори-дармонга ишлатасиз”, деб шарт қўймаслиги, эҳсон олувчи ҳам инсоф билан зарурий эҳтиёжга ишлатиши керак.

Эҳсоннинг қабул бўлиши ихлос, муҳаббат ва ҳақдорга (яъни ўз ўрнига) қилинишига боғлиқ.

САВОЛ: Узум сиркасини истеъмол қилса бўладими?

ЖАВОБ: Узум сиркасини истеъмол қилиш мумкин. Чунки сирка тайёрланиш жараёнида маст қилиш хусусиятини йўқотгач, сиркага айланади.

САВОЛ: Ҳайвон гўштининг ҳаром қилинган жойлари тўғрисида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Гўшти ейиладиган ҳайвонларнинг 7 та аъзосини ейиш макруҳи таҳрибийдир. Қуйидагиларни ейишдан қайтарилганмиз:

1. Эркак ҳайвоннинг жинсий аъзоси;
2. Урғочи ҳайвоннинг жинсий аъзоси;
3. Ҳайвоннинг мояги;
4. Ўт пуфаги;
5. Безлари;
6. Сийдик қопи;
7. Бўғиздан отилиб чиққан қон.

САВОЛ: Ғусл қилаётганда мабодо ел келса, ғуслни қайта бошлаш керакми ёки давом этиш мумкинми? Ғусл жоиз бўладими шу ҳолатда?

ЖАВОБ: Ғусл қилиш асносида таҳоратни бузувчи амаллар содир бўлса, ғуслни қайта қилиш вожиб бўлмайди. Ғуслдан кейин таҳорат олиш kifoya.

САВОЛ: Эҳромдаги киши соат ва кўзойнак тақиши мумкинми?

ЖАВОБ: Кўзойнак, кулоқчин (наушник), қўл соати, ҳамён учун мўлжалланган тасма кабилар эҳромдаги киши учун тақиқланмаган. Бу масалада Мисрдаги “Дорул ифто” ва Шайх Али Жума ҳафизахуллоҳ мазкур нарсаларни ишлатиш жоизлигига фатво берган.



ОНАДАН СЎКИШНИНГ ҲУКМИ



САВОЛ: *Кишининг онасидан сўкишнинг ҳукми қандай? Онадан сўккан кимсага қандай жавоб қайтарилади?*

ЖАВОБ: Сўкиниш шариатимиз таълимотларига мутлақо зид амал ҳисобланади. У ижтимоий алоқаларнинг бузилишига, инсонларнинг ҳақоратланишига олиб келадиган бадхулқликдир. Шунинг учун ҳадисларда сўкиш қаттиқ қораланган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган машҳур ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мусулмон кишини сўкиш фосиқликдир. У билан уришиш эса куфрдир”**, деганлар (Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий ривояти).

Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирса ва уни ҳалол санаса, диндан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда сўкиш фисқ, уришиш куфр дейилмоқда. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам жанжалга олиб боради.

Биринчи бўлиб бошқа шахсни сўккан одамга иккинчи томон ҳам дарров сўкишни бошлаб юбормаслик керак. Биринчи шахс уни сўкиш билан катта гуноҳ қилди. Ўзининг беодоб, пасткаш эканлигини кўрсатди. Энди иккинчи киши у билан тенглашмаслиги шарт. Ниёз ибн Ҳимор розийаллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар: “Мен Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Ё Расулуллоҳ! Бир одам мени

сўкса, у ўзимдан паст бўлса, ундан ғолиб келадиган бўлсам, менга бирор нарса бўладими?” деб сўрадим. У зот: **“Икки сўкишган, обрўйини тўкаётган ва ёлғон гапирётган кишилар икки шайтондир”**, дедилар” (Имом Ибн Ҳиббон ривоят қилган).

Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ниёз ибн Ҳимор розийаллоҳу анҳуга ўзини сўккан одамга жавоб қайтаришга изн бермадилар. Агар шундай қилса, икки беодоб шайтоннинг бири бўлиб қолишини тушунтирдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Катта гуноҳларнинг каттаси инсоннинг ўз ота-онасини лаънатламоғидир”**, дедилар. Шунда: “Эй Аллоҳнинг Расули! Қандай қилиб одам ўз ота-онасини лаънатлайди?” деб сўралди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Бир одам бировнинг отасини сўкса, у ҳам бунинг отасини сўкади, онасини сўкса, онасини сўкади”**, дедилар (Имоми Бухорий ривояти).

Кўриб турибмизки, одамларни сўкиш ўта нохуш ҳолат экан. Ота-онага раҳмат, иззат-обрў келтиришнинг ўрнига ўзининг беодоблиги ила лаънат, сўкиш келтириш нақадар бадбахтлик. Бу нарса доим ҳар бир мусулмоннинг ёдида туриши лозим.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази
(78) 150-33-44

Ғам-андухни кетказишнинг

27 йўли

(Бошланиши ўтган сонда.)

Олтинчи усул: Намоз

Ҳузайфа ибн Ямон розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга (бирор) ташвиш етганда намоз ўқирдилар”. Ривоят қилинишича, олимлардан бирлари: Аллоҳ таолонинг: **“Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир”** (Бақара сураси, 153) оятига мувофиқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламини бирор иш ташвишга солса, унга (намозга) мурожаат қилардилар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом Билол розийаллоҳу анҳуга: **“Эй Билол, бизни у (намоз) билан роҳатлантиринг”**, дердилар. Мусулмон намозда Яратган Зот қаршисида туради. Шунинг учун қалби таскин топади, нафси ором олади, Раббиси ва Мавлосига мурожаати туфайли кўзлари қувнайди (“Мажмауъл фатаво”).

Еттинчи усул: Яхши амал ва дуо

Салмон Форсий розийаллоҳу анҳу айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Умр фақат яхшилик билан узаяди. Қадарни фақат дуо қайтаради”**, деб марҳамат қилганлар» (Имом Термизий ривояти). Шайх Абдул Муҳсин Аббод ҳафизаҳуллоҳ Набий алайҳиссаломнинг **“Қадарни фақат дуо қайтаради”**, деганларини қуйидагича шарҳлайди: “Ҳадис дуонинг Лавҳул Маҳфуздаги нарсани ўзгартиришига далолат қилмайди. Аллоҳ таоло балолардан омонда бўлишни тақдирга битган. Омонликка эриштирувчи

сабабларни ҳам яратган. Бунинг маъноси, Аллоҳ таоло бандасидан балони арилади. Бунга дуони сабаб қилади, уни тақдир этади” (Жаброил алайҳиссаломнинг динни таълим бериши ҳадисининг шарҳи).

Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги сўзларни эшитдим: **“Сизлардан олдинги кишилардан уч нафари йўлга тушди. Тунаш учун бошпана излаб бир ғорга кирди. Шу пайт тоғдан харсанг тушиб, ғор оғзини тўсиб қўйди. Улар: “Солиҳ амалларингиз ила Аллоҳга дуо қилишингизгина сизларни ушбу харсангдан қутқара олади”, дейишди. Шунда улардан бири: “Ё Аллоҳ, менинг ёши улуг, кекса ота-онам бор эди. Кечки (сут)ни улардан олдин оиламга ҳам, хизматкорларимга ҳам ичирмас эдим. Бир куни ўтин излаб узоқроққа кетиб қолгандим, қайтганимча (ота-онам) ухлаб қолибди. Уларга кечки сутларини соғиб келдим, лекин икковлари ҳам ухлаб қолишганди. Кечки (сут)ни улардан олдин оиламга ёки қул-чўриларимга ичиргим келмади ва уйғотишни истамадим. Қўлларимда коса тутганча уйғонишларини қутдим. Ниҳоят, тонг ёришди. Уйғонишгач, кечки сутларини ичишди. Болалар (очликдан) оёғим остида бақришарди. Ё Аллоҳ, агар бу ишимни Сенинг розилигингни истаб қилган бўлсам, мана бу харсанг тош сабабли бошимизга тушиб турган ҳалокатни биздан қўтар!” деди. Шунда (харсанг) бир оз очилди. Лекин улар чиқа олмасдилар.**

Иккинчи киши: “Ё Аллоҳ, амакимнинг қизи бор эди. У менга барча инсонлардан севимли эди. (Бошқа бир ривоятда: “Аёл яхши кўргандан ҳам кўра уни қаттиқроқ



яхши кўрар эдим”, дейилади.) **Мен уни(нг нафсимни қондиришини) устадим, у эса мендан ўзини олиб қочди. Қаҳатчилик йилларнинг бирида қийинчилик сабаб ҳузуримга келди. Мен ўзи билан менинг орамни холи қолдириш (яъни хоҳлаганимни қилиши) шарти билан унга бир юз йигирма динар бердим. У айтганимни қилди. Ниҳоят, уни тўла қўлга олганимда (Бошқа бир ривоятда: “Икки оёғи орасига ўтирганимда”), у менга: “Аллоҳдан кўрқ. Муҳрни ноҳақ очма”, деди, ундан юз ўғирдим. Ваҳоланки, у менинг учун энг суюкли инсон эди. Берган тилламни ҳам унда қолдирдим. Ё Аллоҳ, агар буни Сенинг розилигингни устаб қилган бўлсам, бошимизга тушиб турган ҳалокатни кўтар!” деди. Шунда харсанг очилди, бироқ улар ундан (ғордан) чиқа олмасдилар.**

Учинчи одам: “Ё Аллоҳ, мен бир неча мардикор ёллаган эдим. Уларга ҳақларини бердим. Фақат бир киши ўзиникини ташлаб, кетиб қолди. Унинг иш ҳақини сармоя қилдим. Бундан молмулк кўпайди. Маълум вақтдан кейин келиб: “Эй Аллоҳнинг бандаси, менга ҳақимни тўла”, деди. Унга: “Сен кўриб турган туя, сигир, қўй ва қулларнинг ҳаммаси ҳақингдир”, дедим. У: “Эй Аллоҳнинг бандаси, мени масхара қилма!” деди. “Сени масхара қилаётганим йўқ”, дедим. Шунда у уларнинг барчасини олиб, ҳайдаб кетди, ҳеч нарса қолдирмади. Ё Аллоҳ, агар бу (ишим)ни Сенинг розилигингни устаб қилган бўлсам, бошимизга тушиб турган ҳалокатни кўтар!” деди. Шунда харсанг сурилди ва улар чиқиб кетишди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ушбу ҳадис Аллоҳ таолонинг барча нарсага қодир эканига мавъиза, эслатма ва далолатдир. Яна Аллоҳ таоло бандасининг сабри ва шукрини синаш учун енгиллик ва оғирликда, машаққат ва роҳатда



ҳам имтиҳон қилади. Бандаларига оятларини ва буюк қудратини намоиш этади.

Ҳадисда ғам-ғусса ва қийинчиликка тушиб қолинганда, Аллоҳ таолога илтижо қилишга иршод бор. Парвардигор жон томиримиздан ҳам бизга яқин экани, дуоларни ижобат этувчи, яхши амаллар сабабли ишларимизни енгиллатиши, қийинчиликни кетказиши, ғам-ғуссадан чиқариши мумкинлигига далилдир. Мўмин қийинчиликка дуч келса, Павардигорга илтижо қилиши Аллоҳ таоло ва Унинг Расули ва Унинг тавҳидига иймони, ибодатларида ихлоси, ота-онасини ҳурмат қилиши, омонатларни адо этиши ва фаҳш ишлардан сақланиши каби солиҳ амаллари билан Аллоҳга ёлвориши кераклиги тушунилади.

(Давоми келгуси сонда)

Юлдуз КОМИЛОВА таржимаси



Қотилликдан ҳам

оғир гуноҳ

Диққат қилинг, Аллоҳ таоло бизни қатъий огоҳлантириб: **“Сизлардан фақат зolimларгагина хос бўлмаган (балки ҳам-маларингизга оммавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланингиз ва билиб қўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (Зот)дир”,** дейди (Анфол сураси, 25-оят).

Дарҳақиқат, одамлар орасида энг кўп тарқалган иллатлардан бири фитна ва унга аралашиб қолишдир. Фитна деб одамларни изтироб, ихтилоф, машаққат ва ба-лога гирифтор қилишга айтилади. Масалан, халқни боғийликка ташвиқ қилиш, подшоҳга қарши чиқишга тарғиб этиш каби ҳолатлар фитнага мисол бўлади. Шунингдек, тушуниб-тушунмасдан оммага нотўғри тушунча бериб қўйиш ҳам фитна дейилади.

Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолингизда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмаслигингиз учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўрингиз!”** (Ҳужурот сураси, 6-оят.)

Бугунги кунда кишиларнинг ибодатни тарк қилишларига сабаб бўладиган гаплар ҳам фитна бўлади. Масалан, тажвид билан қироат қилишга мутлақо қодир бўлмаган аҳоли орасида “Тажвидсиз қироат билан ўқилган намоз – намоз эмас!” деса ва шу гапдан кейин ўша жамоа “Намоз ўқишимиздан фойда йўқ экан”, деб ибодат қилмай қўйса, бу ҳам катта фитна бўлади. Ҳолбуки, мутлақо намоз ўқимагандан кўра тажвидсиз қироат билан бўлса-да, намоз ўқиш шарт.

Машойихлар айтади: “Ким ўз даври-нинг урф-одатларини билмаса, бас, у инсон

жоҳилдир!” Шундай экан, мусулмон киши омма олдидаги ҳар қандай хатти-ҳаракатларида парҳезкор бўлса, гапларини ўйлаб гапирса, фитнадан холи бўлади. Амри маъруф, наҳйи мункар қилиш ҳам юқоридаги қабилдадир. Бу икки амал, гарчи қирқ фарздан саналса-да, ўз ўрнини топиб қилинса, мақсадга мувофиқдир. Тўғри келган жойда амри маъруф, наҳйи мункар қилиб кетавермаслик керак. Одамларнинг ҳолини, савиясини ҳисобга олиш зарур.

Одамлардан эшитган нарсасини суриштирмай гапиравериш ҳам гуноҳдир. Пайғамбар алайҳиссалом: **“Эшитган нарсасини гапиравериш кишининг гуноҳкор бўлишига кифоядир”,** деганлар (Имом Муслим ва Имом Абу Довуд ривоятлари). **“... Фитна эса қотилликдан ҳам каттароқ (гуноҳ)дир...”** (Бақара сураси, 217-оят). Шунинг учун ҳам у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитнадан сақлашини сўраб Аллоҳга дуо қилганлари ҳақида саҳиҳ ривоятлар бор. Шу суннатга кўра, биз ҳам фитнадан сақлашини сўраб Раббимизга ёлворамиз.

Аллоҳ таоло ҳар биримизни фитнадан асрасин!

Ботиржон ТОЖИБОЕВ,
Андижон шаҳар “Ғиштли”
жоме масжиди имом-хатиби



Муваффақият омиллари

Инсонда ғайрат, шижоат, куч-қувват бор. Лекин булар муваффақиятга етарли даражада эришишга кифоя қилмайди. Куйида қизларимиз нималарга эътибор қилишлари кераклиги ҳақида бир неча тавсиялар бериб ўтамыз:

1. Ота-она дуоси. Ҳар бир ишни бошлашингизда оила бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, уларнинг розилиги, дуолари билан ҳаракат қилсангиз, ютуққа эришасиз, иншоаллоҳ. Шу билан бирга ҳар қандай ҳолатда ҳам ота-онангиз хизмати-ни қилиб, розиликларини топишга интилангиз, ишларингизда ривож, ҳаётингизда баракот бўлади. Ҳар куни уларнинг дуоларини олишга одатлангиз.

Қайнота-қайнона дуоси. Турмушга чиққан қизларимиз жуфти ҳалолининг ота-онасини, яъни қайнота-қайнонасини ўз ота-онасидек кўриб, уларнинг дуоларини олишга ғайратли бўлмоғи лозим. Зеро, ёши улуғлардан дуо олишда ҳикмат кўп.

2. Вақтни тўғри тақсимлаш. Ёшлар кўп нарсага эътибор қилиб, бирданига ҳамма нарсага эришишни истайди, ўзини гоҳ унга, гоҳ бунга уради. Аммо диққатни асосий нарсаларга қаратмаслик, бир ишни бошлаб, охирига етказмаслик оқибатида

муваффақиятга эриша олмай қолиш ҳоллари кўп учрайди. Вақтни тўғри тақсим қилинг. Ўзингиз учун муҳим бўлган ишларни белгилаб, тоқатингизга кўра кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик режа тузиб олинг. Асосийси, оз бўлса-да, давомли бўлган амал севимли эканини унутманг. Шунда суннатга мувофиқ иш қилган бўласиз.

3. Катталарнинг тажрибасидан фойдаланиш. Бир инсон ҳаёти ўртача олтмиш-етмиш йил бўлиши мумкин. Бу вақт ҳар бир ишни тажриба қилиб кўришга жуда камлик қилади. Бироқ бизда юзлаб, минглаб одамларнинг тажрибасидан фойдаланиш имкони бор. Бунинг учун китоблар, устозлар ва яқинлар кўмак беради. Бирор ишни бошлашдан олдин шу соҳадаги илмларни ўрганинг, ўзингизга устоз тутинг, мутахассислар ва сўзи олинадиган яқинлар билан маслаҳатлашинг.

4. Дуо. Ҳар бир ишга астойдил киришиш баробарида Аллоҳ таолога дуо билан юзлангиз, У Зотдан осон қилишини сўранг. Ишларингизда истихора қилинг – хайрлисини сўраб намоз ўқинг.

Юқорида айтилганидек, ота-онанинг дуосини олиш жуда муҳимдир. Шу билан бирга устозлар, фазилатли инсонларнинг дуосини олиш ҳам тавсия этилади.

Акбарали ҚОБУЛ ўғли,

Мирзо Улуғбек тумани бош имом-хатиби



ИМОМИ АЪЗАМ
АБУ ҲАНИФА НУЪМОН ИБН СОБИТ

МАЗҲАББОШИМИЗНИНГ ЎҒЛИ ҲАММОДГА НАСИҲАТЛАРИ

Мазҳаббошимиз, мужҳатид аллома Имоми Аъзам Нӯъмон ибн Собит раҳимаҳуллоҳнинг ушбу насиҳатлари ўғли Ҳаммодга қаратилган бўлса-да, улар барча илм толибалари, айниқса, отинийлар учун ҳам ўта муҳимдир. Опа-сингилларимизга ушбу насиҳатлардан фаолиятлари давомида, тарбия жараёнида муҳим қўлланма сифатида фойдаланишларини тавсия этамиз. Зеро, Қуръони каримда эркаклар учун келган амр ва қайтариқлар аёлларга ҳам тегишлидир.

– Эй ўғлим, Аллоҳ сени рушди ҳидоятга бошласин ва ҳар доим мададкор бўлсин! Мен сенга панд-насиҳат қилмоқчиман. Менинг ўғитларимни хотирангга сақласанг ва қулоғингга қуйиб олсанг, дининг ва дунёнинг йўлида сенга, иншоаллоҳ, бахту иқбол ёр бўлгай.

1. Аллоҳдан қўрқиб, жисмингдаги барча аъзоларни гуноҳу маъсиятдан сақлаган ҳолда Унга бандалик қил! Унинг буйруқларини сўзсиз адо эт.

2. Эҳтиёжинг тушадиган илмни ўрганишдан ўзингни олиб қочма.

3. Дину дунёнинг йўлида асқатадиган кишилар билангина ошначилик қил.

4. Нафсингдан ҳақингни ол. Зарурат бўлгандагина унга инсоф қил.

5. Мусулмонга душман бўла кўрма.

6. Аллоҳ берган ризқу рўзингга қаноат қил.

7. Бошқаларга муҳтож бўлмаслигинг учун қўлингдан бор бисотингдан тадбиркорлик билан фойдалан.

8. Одамлар сенга таҳқир назари билан қарашларига сабаб бўладиган юмушни қилма.

9. Ҳожатингдан ортиқча нарсаларга берилишдан нафсингни тий.

10. Одамлар билан учрашганингда гапни

салом беришдан бошла, сўзлаганда майин ва мулойим сўзла, яхшиларга ёқимли бўл, ёмонлар билан муросаю мадора қил.

11. Аллоҳга кўп зикр айт, Унинг Пайғамбарига бисёр салавотлар йўлла.

12. Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қилган қуйидаги “Саййидул истиғфор” билан машғул бўл.

«Аллоҳумма Анта Роббий, лаа илаҳа илла Анта, холақтаний ва ана ғабдука ва ана ғала аҳдика ва ваъдика маста-тоъту. Аъзуу бика мин шарри маа со-наъту, абуу лака биниъматика алайя ва абуу бизанбий фағфирлий, фаиннаҳу лаа яғфируз зунуба илла Ант».

Ушбу “Саййидул истиғфор”ни тунда ўқиган банда, мабодо ўша кеча вафот этса, жаннатга киради, кундузи ўқиган банда, мабодо ўша куни оламдан ўтса, жаннатга киради.

Маъноси: «Парвардигоро, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен мени яратдинг ва мен Сенинг қулингман, Сенинг аҳдинг ва ваъдангга қўлимдан келганча собит бўламан. Қилган ишларимнинг ёмонлигидан Ўз паноҳингда асрашингни сўрайман, менга берган инъомингга ва гуноҳимга иқрорман, мени мағфират қил. Зеро, Сендан бошқа гуноҳларни мағфират қиладиган Зот йўқ!»





Саҳобалардан Абу Дардога “Уйингга ўт кетди”, дедилар. У зот: «Мени уйимга ўт тушмайди. Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан: “Кимки мана бу дуоларни тонгда ўқиса, кечга қадар унга ҳеч қандай мусибат етмайди ва агар уларни кун қорайиши билан ўқиса, тонг отгунгача унга ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса йўлиқмайди”, деганларини эшитганман», деб жавоб берган.

Мазкур дуо қуйидагидир:

«Аллоҳумма Анта Роббий, лаа илаҳа илла Анта, ғалайка таваккалту ва Анта Роббул Аршил ғазийм, маа шааллоҳу каана ва маа лам яша лам яқун. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳил ғалийийил ғазийм».

Маъноси: “Парвардигоро, Сен менинг Раббимсан, Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сенга таваккал қилдим, Сен буюк Аршнинг Парвардигорисан. Аллоҳ истаган нарсаси бўлади ва истамаган нарсаси бўлмайди. Куч ва қудрат Буюк ва Улуғ Аллоҳ биландир” (Аниқ хабарларда нақл қилинишича, Абу Дардо розийаллоҳу анҳу хонадонларини ўт тушишидан Аллоҳ асраган экан.)

13. Ҳар куни Қуръон ўқишга одатлан ва ўқиганларинг савобини Пайғамбаримиз алайҳиссаломга, ота-онанг, устозларинг ва барча мусулмонларга бахшида қил!

14. Душманларингдан кўра дўстларингдан эҳтиёт бўл. Одамлар орасида фиску фасод кўпайган вақтда душманинг дўстингдан фойдаланиши мумкин.

15. Сиру асрорингни, моддий имконингни, мазҳабингни ва борар жойингни маҳфий тут!

16. Қўшничиликни яхши қил ва қўшингдан етадиган азиятларга сабр-бардошли бўл!

17. Аҳли сунна вал жамоа йўлини маҳкам тут, залолат ва жаҳолат аҳлидан ўзингни четга ол!

18. Барча ишларингда холис ниятли бўл, ҳар бир ҳолатда ҳам фақат ҳалол нарсаларни тановул қилишга жидду жаҳд қил!



19. Беш юз ҳадис орасидан танлаб олганларим бўлмиш қуйидаги беш ҳадисга амал қил:

а) **“Барча ишлар, албатта, ниятга боғлиқдир. Ҳар бир кишига ният қилгани бўлади”;**

б) **“Беҳуда нарсаларни тарк этиш киши Исломининг гўзаллигидандир”.**

в) **“Ўзи яхши кўрган нарсани бошқага ҳам раво кўрмаган банданинг имони баркамол бўлмайди”;**

г) **“Ҳалол ҳам аниқ, ҳаром ҳам аниқ. Аммо улар ўртасида шубҳали нарсалар мавжуд. Кўпчилик уларни билмайди. Улардан ўзини сақлаган банда динини ва шарафини ҳимоя қилган бўлади. Шубҳали нарсалардан ўзини тиймаган банданинг ҳаромга ўтиб қолиши ҳеч гап эмас. Бундай банда кўриқхона атрофида қўй боқаётган чўпонга ўхшайди: у ҳар лаҳза кўриқхонага ўтиб кетиши мумкин. Ҳар бир ҳукмдорнинг кўриқхонаси бўлганидек, Аллоҳнинг ҳам кўриқхонаси бор. У Аллоҳнинг ҳаром қилган нарсаларидир. Ҳар бир баданда бир парча гўшт борки, у соғлом бўлса, бадан ҳам соғлом бўлади ва агар у касал бўлса, бадан ҳам касал бўлади. У – қалб”.**

д) **“Бировларга тили ва қўли билан озор етказмайдиган мусулмон ҳақиқий мусулмондир”.**

20. Соғ-саломат вақтингда доимо кўркув ва умид орасида бўл! Аллоҳ таоло хусусида яхши ўй, холис қалб, зафарли умид билан оламдан ўт!

“Асарлар” китобидан олинди.



Амаллар ниятларга боғлиқ

Ишдан чарчаб келган Муҳаббат қизи пиширган маставани қўлига оларкан, кучли ҳорғинлик сабаб уф тортди. Ғофур ака жуфтининг кўнглини олиш ниятида:

– Хотин, иссиққина маставани ичиб ол, чарчоғинг кетади, – дея илтифот кўрсатди.

Муҳаббат қўлидаги косани қайта-қайта кавлаб:

– Эй Худо, қани эди ғайбингдан бир коса қаймоқ ато этсанг! Бирам қаймоқ егим келяпти, – деб ғудраниб қўйди. Уни турмуш ўртоғи қанчалик эъзозлаши унга қилаётган муомаласидан ҳам кўриниб турарди.

– Бугун кеч бўлди-да, хотин, айтсанг, келтириб қўярдим. Сен маставани ичиб ол, жуда ҳам мазали бўлибди. Эртага нонуштага қаймоқ топиб келаман, – деди эри овқатланишдан бир зум тўхтаб.

– Майли, дадаси, энди Аллоҳга бир илтижо қилгим келди-да, – деди Муҳаббат.

Аёл барибир маставани ичмади. Овқатнинг мойи кўпроқ, тузи пастроқ бўлганини баҳона қилиб, бир-икки қошиқ тотинди-да, косани суриб қўйди.

Ғофур ака хотинининг кайфиятини кўтариш мақсадида ҳовлининг орқа томонидаги қурилишни томоша қилишга эргаштириб борди ва:

– Кел, онаси, йигитлар билан қилган ишларимизга қара, қандай чиройли чиқди, – деб мақтана бошлади.

– Чиройли чиқибди, аммо сабрим чидаямапти-да, дадаси, буларнинг томини қачон ёпасиз?! Ҳадемай қор ёғиб қолади. Бир жала қуйиб берса, шунча қилинган меҳнат бир пул, – дея яна битта муаммони топишга улгурди Муҳаббат. – Эй Художон, Ўзинг қўлла, шу айвонларнинг томини бирдан шиферлаб олайлик, Ўзинг ғойибдан ато эт!

...Қаттиқ уйқуга кетган аёл беҳосдан тақиллаб кетган овоздан чўчиб уйғонди. Тун ярмидан оққанда кучли шамол турди. Ҳовли юзида қолган челак, тоғора ва бошқа буюмларни ирғита бошлади. Зим-зиё тунни дафъатан пайдо бўлган бўрон янада кўрқинчли қилганди. Бу ҳам етмагандек, дўл ёға бошлади.

Ҳаммаси кўрқиб кетди. Чунки биринчи марта бундай офатга дуч келишлари эди. Кўчага чиқиш ҳам, уйда ўтириш ҳам хатарли эди.

Кўрқув ичида қолган аёл шу чоқда ҳомиладор қизини эслаб қолди. Юрагини хавотир буткул эгаллаб олди. Болаларини бағрига босиб, яна нола қила бошлади:

– Эй Аллоҳ, табиий офатнинг ёмон оқибатларидан Ўзинг асра!





Ойша бинти Жаъфари Содиқ

Исми Ойша бинти Жаъфари Содиқ ибн Муҳаммад Боқир ибн Али Зайнулобидин, лақаби Умму Фарвадир. Саййида – шажараси Пайғамбаримиз алайҳиссаломга боғланади.

Мусо Козим ҳазратларининг синглиси. Таваллуд топган жойи ва санаси аниқ эмас.

Саййида Ойша адаб ва ҳаё билан камол топган. Умавий халифаларнинг саккизинчиси, “Иккинчи Умар” деган шарафли номни олган Умар ибн Абдулазиз ҳазратларига турмушга чиққан. Ниҳоятда кўп ибодат қилган. Тоат ва мужоҳадада, нафсига оғирлик қиладиган, нафси истамаган нарсаларни қилишда ғоятда илгарилаб кетган авлиё аёл бўлган.

Саййида Ойшанинг муножотларининг бирида: “Ё Раббий! Иззатинг ва Жалолинг ҳаққи қасам ичаман, башарти, мени дўзахга ташласанг ҳам, барибир Сени тавҳид этаман, Бор ва Бир деб биламан”, дегани машҳур.

762 (х.145) йил Мисрда (Қоҳира) вафот этган. “Карофата” қабристонига олиб борадиган йўлнинг чап томонида “Саййида Ойша” номли масжид ҳудудига дафн этилган.



Сўнг жойнамозни ёзиб, икки ракат намоз ўқиди, Аллоҳдан ҳамма-ҳаммани бўрон балосидан сақлашини сўради.

Бўрон кўп ўтмай тинди. Ғофур ака кўчага чиққанди, бўрондан маҳалласидаги ҳамма кўшнлари, ўзлари ҳам талафот кўргани аён бўлди. Кимнингдир уйи ярмигача қулаб тушганди. Йигирмага яқин ҳовлининг том қисмини бўрон учуриб кетган, симёғочлар бир тарафда, томлардан учган шифер бўлаклари бир тарафда сочилиб ётарди. Уларнинг ҳам томи бутунлай кўчиб, газ қувури кўпурилиб кетган эди. На газ, на электр қолганди. Устига-устак, ҳавонинг авзойи яна бузилди ва энди қор аралаш ёмғир ёға бошлади.

Совуқ ва қоронғи хонада тонгни кутишларига тўғри келди. Иссиққина маставадан нолиган Муҳаббат ўзининг ношукрлигидан уялиб кетди. Ҳозир эса ҳатто чой қайнатишнинг ҳам имкони йўқ эди.

Бирдан қўл телефони жиринглаб, қизи Зилоланинг хавотирли овози эшитилди:

– Алло, ассалому алайкум! Ойижон, яхшимисиз? Шамол бўлдимиз сизларда ҳам? Тинчмисизлар?

– Ва алайкум ассалом! Қизим, ўзинг яхшимисан? Қўрқмадингми?

– Йўқ, ойижон! Ҳаммамиз ухлаб қолиб, шунча ғала-ғовурни сезмабмиз ҳам.

– Хайрият, – деди Муҳаббат қувониб, – бир ношукр бандасининг ноласини шунчалар инобатга олган Раббим шукр қилувчиларга қанчалар бахт ато этар экан?! – деб ўйлади.

Бир зумда куёви ва қудалари етиб келишди. Вазиятни кўрган қудалари уларни уйга олиб кетди.

Муҳаббат бўлган воқеаларни сўзлаб бераркан, не кўз билан кўрсинки, қўлида бир коса қаймоқ кўтариб қизи Зилола кириб келди.

Эр-хотин бир-бирига қараб қолди.

– Ниятни тўғри қилиш керак, онаси! – деди Ғофур ака. – Мана сенга ғойибдан қаймоқ!

Уйларига қайтиб келишганда Ғофур ака не кўз билан кўрсинки, шамол асосий бинонинг томини кўтариб, янги қурилган айвоннинг устига қўндириб қўйган эди!..

Одина ТЎРАҚУЛОВА,

Учқудуқ тумани бош имом-хатибининг хотин-қизлар масалалари бўйича ёрдамчиси



Ризқни олис юртлардан излаганлар

Афсуски, бугунги кунда бориға қаноат қилмай, чет элларға ишлаш учун кетаётган аёллар кўп. Ўз юрти, оиласидан йироқда ишлашлари учун сабаб деб ҳисоблаётган омиллари яна-да ачинарли: яхши уй-жой олиш ёхуд замонавий машина миниш...

Наҳотки, шу нарсалар инсон учун фарзандларидан, оиласидан қийматлироқ бўлса?! Азиз диндошим, унутманг, ҳамма жой Аллоҳнинг еридир ва қаерда бўлсак ҳам, фақат Аллоҳ берган ризққа эриша оламиз. Зеро, Қуръони каримнинг 90 ўрнида ризқни Аллоҳ таоло тақдир қилиб қўйгани ва бандларига ризқ бериш кафолатлангани зикр этилган.

Шунингдек, айрим ота-оналар фарзандларининг келажагини, яхши шароитда ўсиб-улғайишини ўйлаб ўзга юртларда ишлайдилар. Аммо болалари она меҳрисиз катта бўлаётганини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Аслида, оналарнинг вазифалари ўғил-қизларига меҳр бериш, илм ўргатиш ва гўзал хулқли этиб тарбиялашдир. Бу борада барчамизга чинакам намуна бўлувчи онамиз Фотима розийаллоҳу анҳонинг ҳаёти биз учун ибратдир.

Ҳазрат Али розийаллоҳу анҳу қуйидагиларни айтади: «Бир неча кун на бизнинг ҳузуримизда, на Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларида бирор нарса бўлмади. Кўчага чиқсам, йўлда бир динор тушиб ётибди. Бир муддат уни “Олсаммикан ёки йўқми?” деб ўйланиб қолдим. Кейин қийинчиликни ўйлаб, уни олдим. Бозорга бориб, ун сотиб олдим ва Фотимага олиб бориб, хамир қилиб, нон ёп, дедим. У хамир қилишга тутинди. Мадорсизлигидан хамир қориётганда пешонаси жомнинг чеккасига тегиб кетай, дерди. Ниҳоят, у нон пиширди. Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига бориб, хабарни айтдим. У зот: **“Еяверинглар, у Аллоҳ азза ва жалла томонидан сизларга берилган ризқдир”**, дедилар».

Азиз юртдошим, эътибор беринг-а, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг жигарпораси Фотима онамизнинг уйида бир неча

кун егулик бўлмаган. Зеро, у онамиз отаси Набий алайҳиссаломдан Аллоҳдан фаровон ҳаёт сўраб дуо қилишларини ихтиёр этганида, дуо ижобат бўлмасмиди? Биргина дуо билан Жаброил алайҳиссалом жаннатдан улар истаган таомни келтириб бермасмиди? Жаннат башорати берилган онамиз фаровон ҳаётга биздан кўра ҳақлироқ эмасмиди?! Бироқ у фаровонликни эмас, машаққатни ихтиёр этди.

Фотима онамиз Али розийаллоҳу анҳу олиб келган ундан нон тайёрлашга киришганида ҳолсизликдан пешонаси жомнинг учига тегай деб турган. Аммо у бу ҳолатдан нолимаган, қанчалар мадорсиз бўлса-да, турмуш ўртоғи бўлган ҳазрат Али розийаллоҳу анҳунинг буйруғини бажаришга киришган. Улар шу ҳолатда бўла туриб сабр қилганлар. Бугунги кунда юртимизда ҳеч ким очликдан бу қадар қийналмайди, кунлаб овқатланмай юрмайди, аммо сабр ҳам, қаноат ҳам қилмаяпти.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, орамизда бориға шукр, йўғига сабр қиладиган мўмина, муслима аёллар кўп. Бундай опа-сингилларимизга Қуръони каримнинг ушбу оятини ёдга солиш ўринлидир.

“Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур” (Зумар сураси, 10-оят).

Бориға қаноат қилиб, яқинларини ташлаб ўзга юртларга кетмаган, аксинча, фарзандларига меҳр бериб, уларни чиройли хулқ эгалари этиб тарбиялаётган аёлларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!

Муслима ҚОСИМХОНОВА,
Сирдарё вилояти



Отамнинг олтин ўғитлари

Раҳматли отамни ҳамма “Раисбува” деб ҳурмат қиларди. Чунки кўп йиллар ўзи туғилиб ўсган қишлоқда раис бўлиб ишлаб, элнинг ҳурмати қозонган эди. Уйда оиланинг қаттиққўл бошлиғи, айтиш чоғда меҳрибон, адолатли ота эди. Ҳеч ким у кишининг гапини икки қилолмасди.

Муштипар онам итоатда, сабр-бардошда ҳавас қилгулик аёл бўлиб, ҳамқишлоқлар, қариндош-уруғларга доим яқин маслаҳатгўй эди. Акам ҳамда биз беш қиз тарбияси асосан унинг зиммасида эди. Бизга “Даданг келсин, айтаман!” мазмунидаги огоҳлантириш етарди. Дадамдан қўрқардик, ниҳоятда ҳурмат ҳам қилардик.

Дастурхон атрофида тўпланиб ўтириш... Ҳозир ўша масрур дамларни кўп эслайман. Бугунги оилаларда дастурхон атрофида жамланиб ўтириш камайиб бораётганига куюнаман.

Биз оила даврасида фақат отам-онамни тинглаб ўтирардик ва биздан гап сўралгандагина жавоб берардик. Қўни-қўшни, қариндошларимиз уйларида қиз-ўғиллар бемалол оталарига эркаланарди, ҳазиллашиб, кулишиб, эркин ўтирарди. Биз уларга ҳавас билан қарардик. “Нега бизнинг отамиз бундай ёки у киши бизни яхши кўрмайдими?” деб зорланардик.

Улғайиб, ўзимиз ота-она бўлиб, оиладаги қаттиққўллик билан берилган тарбия бахт-саодат калити эканини англаб етдик.

Эсимда, тўртинчи опамни узатадиган бўлишди. Келинчак опам “Берган нон-тузингизга рози бўлинг!” деган сўзларни пичирлаб айтганча отамнинг қошида таъзимга эгилди. Отам ҳаммага эшиттириб: “Борган жойингда тош қотгин, қизим, – деб бошига қўлини қўйди ва унга бир конверт тутқазди. – Қизим, буни ҳар куни ўқигин, албатта, ўқиб олгин”, деди.

Ана шу воқеага ҳам ярим аср бўлибди. Ўша опамнинг уйига ҳар борганимда отам тутқазган хат – “Насиҳатнома”ни ўқиймиз. Опамнинг айтишича, бу нома у учун энг қадрли ҳужжат экан. Шу хат уни тўғри йўлга йўлловчи “устоздир” бўлган.

Ҳурматли онажонлар, азиз опа-сингиллар,

ғўзал қизларим! Келинг, раҳматли отамнинг “Насиҳатнома”сини сиз ҳам ўқиб кўринг. Маънавий фойдаси олишингизга ишонаман...

Насиҳатнома

Азиз фарзандим!

Борган хонадонингни ўз уйинг деб бил. Қайнона-қайнотангни ўз ота-онанг, эрингнинг жигарларини ўз жигарларингдек кўр. Турмуш ўртоғинг – сенинг энг яқин инсонинг, ҳамиша унинг ҳурмати жойига қўй, ўзингга раҳбар деб бил.

Эрта тонгда ҳаммадан олдин уйғониб, ҳовли-ҳарамни тозала, нонушта дастурхонини тайёрла, уларга ёқадиған таомларни пишир.

Эринг, қайнонангдан ширин сўзингни, табассумингни аяма, қош-қовоғи солиғлик инсонни ҳеч ким суймас.

Қайнонангнинг кўнглини ол, унга яхши бўлсанг – оламга яхшисан!

Меҳмон кутишни ўрган, уларга ҳурматингни кўрсат, сенинг яхши келин эканингни билсинлар.

Меҳнатдан қочма. Бекорчидан Худо безор.

Доим рост гапир!

Кечкурун ҳаммадан олдин хонангга кириб олма, кам ухла, кам гапир, барча ишни, айниқса, ошхонани озода ва саранжом тут.

Ҳамиша оилани биринчи ўринга қўй. Иш деб, тўю ҳашам деб рўзғорингни совутма.

Уйдаги гапни кўчага чиқарма. Кўчадан ҳам уйингга гап олиб кирма! Тилингни ҳамиша асрагин, бошингга бало бўлмасин.

Бойликка ружу қўйма, у сенга бахт беролмайди.

Яхши тарбиянгни, илмингни – зебу зийнатингни!

Бизни соғинсанг, рухсат сўраб кел. Камроқ келсанг, хафа бўлмаймиз. Сен тинч – биз тинч.

Ушбу насихатларим доимо ёдингга бўлсин. Билиб қўй: фарзандлар бахтли бўлса, ота-она бахтлидир.

Сени жонидан ортиқ яхши кўрган, аммо билдирмаган отанг!

Оққа кўчирувчи
Дилором КАРИМОВА





Ялқовлик ва семириш суннатга хилофдир

(Аёллардаги ортиқча вазн сабаблари ва тавсиялар)

Семизлик аёл кишининг ёшини катта кўрсатади. Лекин ўта озғинлик ҳам ярашиқли эмас. Шундай экан, “олтин” ўрталикни топиш муҳимдир.

Ушбу масалада шифокор-педиатор, халқ табобати мутахассиси, “Зайтун тиб мед” клиникаси шифокори Гулбаҳор САТТОВА билан суҳбатлашдик.

– Гулбаҳор опа, шубҳасиз, касаллик инсоннинг юзида, танасида ўз аломатлари билан тезда кўзга ташланади. Афсуски, аёллар аксар ҳолларда хасталикни ўтказиб даволанишади. Умуман олганда, бугунги кунда аёллар кўпроқ қандай касалликлар билан шифокорга мурожаат қилишмоқда?

– Бугун ортиқча вазн жуда кўп аёлларнинг муаммосига айланган. Шунингдек, юрак-қон томир касалликлари, жигар-ўт қопи, асаб, бўғим касалликлари ва қандли диабет билан келган беморлар кўп. Бу касалликларнинг сабабини ўрганганимизда носоғлом турмуш тарзи экани кўзга ташланади. Энг катта муаммо аёлларда соғлом турмуш тарзи кўникмасининг йўқлиги ҳисобланади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда биз нафас олаётган ҳавонинг тозаллиги ҳам муҳим. Бироқ ҳозирда тоза ҳаво муаммога айланган. Шундай экан, биз бошқа босқичларни тўғри ташкил қилишга ҳаракат қилишимиз керак. Масалан, уйқу мувозанати бузилган: аксарият ҳолларда тунги 23:00 ёки 00:00 гача ухламаймиз. Айнан бу вақтда ички секреция безлари фаоллашади. Гормонлардаги ўзгаришлар, ҳайз циклининг бузилиши, эндометриоз вақтида дам олмасликдан юзага келади. Кечқурунги уйқунинг яхши бўлмаслиги самодатрапин, мелотанин, адреналин синтезининг бузилишига олиб келади. Энг тўғри уйқу вақти хуфтондан кейин ухлаб,

таҳажжудга туриш ҳисобланади. Сабаби, таҳажжуд вақти жигар-ўт қопи меридианаси фаоллашади ва яхши ишлайди. Бомдод вақтида эса ҳавода азон кўпаяди. Бу ҳам инсон танаси учун жуда фойдали. Тўғри овқатланиш, доимий ҳаракат – соғлом турмуш тарзининг кейинги шартларидир.

– Бугунги кунда озиқ-овқат маҳсулотларининг қайси бири сифатли эканини ажратиш осон эмас. Баъзан табиий маҳсулотлар ҳам турли зарарли моддаларга тўйинган бўлиши мумкин. Шу сабаб соғлом ва тўғри овқатланишни қандай йўлга қўйсак бўлади?

– Ҳозир биз кимёвий озиқ-овқатлар қуршовида яшашга мажбурмиз. Ҳеч ким бунга тўхтатолмайди. Ана шуларнинг ичидан табиийларини танлаб истеъмол қилишимиз керак. Афсуски, кўпчиликнинг овқатланиш маданияти жуда паст. Ширинликка ўч бўлиш кўпайган. Ичаётган сувларимиз, аксар таомларда ҳам шакар миқдори, қўшимча кимёвий моддалар кўп. Ширинлик кўп еган инсонда инсулин кўтарилади. Инсулин картизол кўтарилишига сабаб бўлади. Натижада одам агрессив, тез жаҳли чиқиб, тез чарчаيدиган бўлиб қолади. Бу оилавий муҳитга ҳам таъсир қилади. Баъзан оналар қабулимга фарзандларини болам гиперфаол деб олиб келишади. Шунда аслида болани эмас, онани даволаш керак, дейман. Нима учун аёлларнинг юраги тор бўлиб кетяпти? Бу луқмага боғлиқ. Тоза маҳсулотдан тоза ҳужайралар ва тоза фикрлар пайдо бўлади.

– Одатда уч маҳал овқатланамиз. Бу табиий жараёнга айланган. Бироқ баъзан исталган вақтда тез-тез таомланганлар ҳам бўлади. Умуман олганда, соғлом бўлиш учун неча маҳал овқатланиш тўғри?

– Бир кунда икки маҳал – эрталаб ва тушликда овқатланиш керак. Кечга мевалар, салатлар ейиш лозим. Кўпчилик инсонлар эса: “Эрталаб иштаҳам бўлмайди”, деб но-



нушта қилмайди. Натижада кўп таомланиши, тартибсиз овқатланиши мумкин. Тушликда 5–6 соат фарқ билан таомланиш керак. Аутоиммун касалликларининг асосида нотўғри овқатланиш ётади. Биз биринчи овқатни еб ҳазм қилмасимиздан иккинчисини еймиз. Натижада унинг ҳазм жараёни ёмонлашиб, ачиш жараёни кузатилади. Фарзандларимизнинг ҳам овқатланиши меъёрга эмас. Оқ нон ва бўтқаларни кўп берамиз. Углевод мўллиги сабаб хомсемиз ва тажовузкор бўлишади. Fast-food ёки ширинликларни бир марта егандан кейин яна егингиз келади. Сабаби, у таъм билиш рецепторларини блоклаб қўяди. Натижада бу маҳсулотларга қарамлик пайдо бўлади.

– *Халқимизда “Табиатнинг ўзи табиб”, деган нақл бор. Ҳозиргидек замонавий тиббиёт ривожланмаган вақтларда табобат билан касалликлар даволанган. Табобат, хусусан, Набавий табобат ҳақида маълумот берсангиз.*

– Табобат уч хил бўлади: илмий, халқ ва набавий табобат. Набавий табобатнинг бошқа табобатлардан фарқи – унинг буюклигида. Сабаби, ҳамма табобат исботга муҳтож. Набавий табобат эса бундан мустасно. Масалан, йиллар оша набавий табобатни илм-фан исботлаб келаверади. Ҳижома қилдириш, седана ёгининг шифобахш хусусиятлари, туя сути цирроз касаллигида даво бўлиши, қустал ҳиндий, санонинг даволловчи хусусиятлари ҳақида айтилган. Набавий табобатда сувни ўтириб, ҳўплаб ичиш ва нафасни ташқарига олиш буюрилган. Туриб ичса, ошқозон касалликларига сабаб бўлиши ёки нафас етмай қолиши мумкинлиги айтилган. Овқатни кам миқдорда тановул қилиш ҳазмни яхшилайдди. Таомланиб ўтиришда ҳам чўккалаб, бир оёқни буклаган ҳолатда ўтириш ошқозон босилишига, натижада одамнинг тез тўйишига сабаб бўлади.

– *Турли дорилар билан ёки кучли парҳез орқали тезроқ озишга интилувчилар кўп. Талаб юқори бўлган сари таклифлар ҳам турфа. Лекин қайси бири фойдали, қайси зарарли эканини ажратиш қийин. Озиш борасида бир-бирига зид келувчи тавсиялар*

ҳам йўқ эмас. Бу жараён бизнесга айланган десак, хато бўлмайди. Умуман олганда, озиш учун энг тўғри йўл қайси?

– Биринчи ўринда семириш сабабларини аниқлаш керак. Бунинг учун шифокорга мурожаат қилиш муҳим. Семириш ҳар хил бўлади. Кўп овқатланиш, гормонал бузилиш, инсулин ёки ошқозон ичак тракти бузилиши бўлиши мумкин. Лекин баъзиларда бу ген билан боғлиқ бўлади. Уларни табобатда балғаммижоз инсонлар деймиз. Балғаммижозларда овқатни ҳазм қилиш жуда яхши ишлайди. Лекин улардаги камчилик дангасалик ҳисобланади. Айнан семиз одамлар ҳаракати кам ва иродаси бўш бўлади. Лекин овқатни бирданига камайтириш ҳам асабийлашишга, тангликка сабаб бўлиши мумкин. Асабийлашишнинг ўзи ҳам семизлик омилларидан бири. Шу сабаб беш маҳал овқат еган одамни тезда икки маҳалга тушириб бўлмайди. Бундайлар беш маҳал, бироқ кам-камдан ейишлари керак. Одатланган овқатларни мос аналогга алмаштириш тўғри бўлади. Масалан, ширинликхўрларни асалга ўтказиш мумкин. Кўпроқ семириш углеводлардан бўлади. Картошка, шакар, ун



маҳсулотлари, оқ гуручни таомномангиздан чиқарсангиз, тез озасиз.

Шунингдек, бадантарбия билан шуғулланишни унутманг. Ҳаракатчанликни эса бугундан бошланг!

Камола АДАШБОЕВА суҳбатлашди.

Аҳмад Лутфий ҚОЗОНЧИ

Ҳай она

(Бошланиши ўтган сонда.)

Ким эди бу аёл? Исмине айтишни лозим топмаган, ҳатто айтмасликдан кўнглида ҳузур туйган аёл. Сабаби нима эди? Уяладиган иш қилдими ёки “нечун бундай қилдинг?” деб сўраб кетадиганлардан бири эканлиги учун шундай йўл тутганмикан? Албатта, йўқ.

Агар: “Ажабо, бу хоним ушбу ишни Аллоҳ ризолиги учун қилганидан ва фақат У билиши етарли эканига ишонганидан ўзини танитишни истамагандир?” дейилса, жавоб саволнинг ўзида акс этган бўларди.

Инсонда бир дард бор. Амалларини бошқаларга билдириш дарди. Бу дард баъзан тарбия ва одоб доирасидан чиқиб кетади. Инсон бир яхшилик қилади. Фақат бу яхшилик мукофотини Аллоҳдан кутмасдан, бошқаларнинг бошларини қотириб, кулоқларига етказмагунча роҳат топмайди. Келажак наслларга қандай етказишади? Бунинг ҳам чораси бор, йўли осон. Дарҳол мармар лавҳага кўрсатилган ёрдам ва ўзининг исмини ёздирди, тамом.

Ким нима дейди?

Баъзан бировга эрталаб яхшилик қилиб, кечкурун юзига солинади. Лекин бу жаҳонда билдирмасдан яхшилик қилиб, бу яхшилигини ёдида сақлаб юрмайдиганларнинг ҳам борлиги аниқ. Ҳақиқат шуки, Фотиманинг меҳмони – ҳар сўзи гавҳардан зиёда бу аёл дунёнинг исмсиз жаноблари орасидан ўрин олишга лойиқлигини ўз ҳаракатлари билан исбот этганди. Аллоҳ ундан рози бўлсин.

Унинг мукофоти уни танимаган, фақат ортидан бу йўлда дуо қилганларнинг Аллоҳ ҳузурида қабул бўлинган ниёзларидир.

Одилбек бир неча хонадонга бош уриб, ниҳоят қониқарли жавоб олди. Унинг аввал уйланганини, бунинг устига икки етими

борлигини эшитганлар дарҳол рад этардилар. Одилбек тул хотинлар балки бу турмушга рози бўлар деб ўйлар, бироқ ҳеч кимдан ижобий жавоб ололмасди. Ниҳоят Фотима исми бир қизнинг оиласи бу таклифни:

– Бир ўйлаб кўрайлик... – дея қаршилашди ва бир ҳафтадан кейин рози бўлишди. Хотини ўлганига бир йил бўлди. Ундан хотира бўлиб уч ёшли қизалоқ ва беш яшар ўғил қолди. Одила ва Ҳусайин. Бу бир-бировидан севимли, бир-биридан гўзал ва ширин, шу билан бирга, бир-биридан толесиз икки гўдак унинг қўлида қолди. Не қиларини билмайди.

Хотинининг хасталиги кучайгани сайин ҳаётдан умиди узиларкан, гўдакларни аввало Аллоҳга, қолаверса, эрига омонат қолдирганини бир лаҳза бўлсин ёдидан чиқармайди. Сўнгги кеча эди. Хаста қийналиб нафас олар, ҳар нафас олганда тили зўрға қимирлар, бир нарсалар айтаётгандек бўларди. Одилбек унинг аҳволи ёмонлашганини сезиши билан кулоғига бир неча бор Аллоҳ... Аллоҳ, деди. У жавоб бермади. Миннатдор кўзларини эридан олиб, қўллари билан ишорат қилди.

Одила беланчақда ётар, Ҳусайин уни кулдириб, ўйнади. Хаста аёл эрига қаради, сўнг қўли ўйнаётган болаларни кўрсатгандай узалди. Фақат узалган қўл ҳавода қолмади, кўрпа устига тушди. Бу орада чуқур нафас билан Аллоҳ калимаси эшитилди. Қўл бошқа қимирламади. Фақат ҳамма нарсдан беҳабар ўйнаётган болаларини кўрсатгандай олдинга узалиб қолди. Балки бу ҳаракати билан сўнгги ҳаётининг ғунчаларини, куртакларини омонат қолдираётганини яна бир бор билдириб, уйланадиган хотинига бу гўдакларга зулм қилдирмасликни васият этмоқчи бўлгандир.

Одилбек кўзларида қалққан ёшларни сасиз сидираркан, бир неча сония аввал онаси бўлган бу етимларга изтироб ва ачиниш би-



лан қаради. Одила акаси тебратаётган белан-чакда кулгидан тўхтамасди...

Унинг кулгиси яна қанча давом этади? Буни тушунишга ҳали ожиз эди. Ҳар қандай инсон оиласи ўлимидан қаттиқ таъсирланади, ниҳоят бу таассурот кундан-кунга камаяди.

Бироқ шундай пайт келадики, унга алоқадор нимадир хотиралар чўғини қўзғаб, ўт олдириб юборади, кўнгил изтироб алангаси ичра қолади...

Одилбекнинг аҳволи, таассуроти бошқачароқ кечди. Узоқ вақтлар кўнглида Хайриянинг алоҳида бир жой банд этиб турганини ҳис этди. Бу унинг оиласига, хотинига вафосидан эдими ёки ундан ёдгор қолган икки гўдакнинг кундан-кун оналарини кўмсашларига, излашларига боқиб, қон йиғлаб, яраси янгилашиб, кўнгли зирқирашиданми? Одилбек учун вафо ҳиссидан кўра икки норасиданинг аччиқ ҳоли кучлилиқ қилгандек эди, гўё. Бироқ уни вафосиз дейиш инсофсизликдир. Тунлар онасизлик туфайли ғарибликда қийналган етимларни кучоғига олиб севмоқнинг таъриф этилиш мумкин бўлмаган бир ҳис пайдо қилишини бошидан кечирганлар яхшироқ билсалар керак. Аслида булар мусибатда қолганми?

Кучоқларида бошлари эгик турган, севгилиси тарк этган бир ошиқ, маҳзунлиги оғушида жим қолган гўдакларми аслида? Барчасининг бағри ярим. Барчаси куйган. Кўнгиллари ярали. Шу билан бирга хотинидан жудо бўлгач, бир-икки йил ўтиб уйланганларнинг чехраси очилганини кўрганлар кўпдир. Бунга акси ўлароқ уйда, кўчада, мактабда доимо ғуссали, йиғламоққа тайёр етимнинг қош-кўзи кулиб туриши нодир ҳодисадир.

Ота кўнгли бир аёл билан тўлиши мумкин. Фақат бола кўнглини оладиган, кўнглини тўлдирадиган аёл энди дунёда йўқ. Ота севгиси бир инсонга бўлган севгидан иборат, боланинг меҳр-муҳаббати эса фақат онага боғлиқдир. Она ер юзида бир донадир, ягонадир. Унинг онаси ўлгач, уйга янги бир она келади. Отанинг айтишича, бу онанинг аввалгисидан камчилик тарафи йўқ. Фақат боланинг фикрича, бу она билан аввалги онани қиёслаш инсон билан унинг соясини тенглаштиришдек гап. Бири бутун борлиғи билан шафқат

ва марҳаматдан иборат бўлса, бошқаси фақат моддий ва шаклий жихатдангина онага ўхшайди. Бири севса, иккинчиси уради, бири бағрига босса, ўзгаси кўксидан итаради, Биринчиси – она, иккинчиси – ўғай она.

Одилбек болаларида онасизлик туйғуларини кўрган сайин дарди ҳам ортиб борди. Уларни ҳар оқшом, ҳар тун кучоғига оларкан, қўли кўзёшлардан нам бўларди.

Айниқса, Ҳусайин:

– Ота, онам келмади-ку, ҳали тузалмади-ми? – деб сўраганида дарди янада кучаяди.

Тун-кечалаб қийналса ҳам, уларга қарар, шафқатини, меҳрини аямас, кундузлар қайнонаси, яъни хотинининг онасиникига қолдириб, ишига кетарди. Бир кун у ҳам болаларга қараёлмайдиган даражада хасталанди ва у яна уйланиш мажбуриятида эканини ҳис эта бошлади. Фотимахонимга уйланиш масаласи ҳам ҳал бўлгунга қадар болаларига бир ўғай она келишини тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Ёхуд болалари билан овора бўлиш, уларнинг ҳолига ачиниш, яхши ният билан ҳаракат қилиш бундай ўй суришлардан чалғитгандир. Энди бу кун тартибдаги кўндаланг масала кун сайин улканлашар, барча йўллар болаларга ўғай она топиш маъносида бирлашарди. Ўғай она... Бу номни бугунгичалик ҳақиқий маънода тушунмаган эди. Бошга тушмагунча билмас дейдилар.

Пешонадаги яра билан девордаги ковакнинг қандай фарқи бор? Одилбек неча бор хотини ўлиб уйланганларни эшитган. Аммо ўша уйланганларнинг ўз болаларига бугун англаганидек, ўғай она олиб келишини ўйламаганди. Ҳозир ўғай онани бир олов сифатида қабул қиларди: етимларнинг овқатини пишириш ёки иситиш ўрнига ёқиб юборадиган олов. Ёхуд у бир шамол – гўдакларга ором бериш ўрнига уларни жунжиктириб, юз-кўзларини чанг-тўзон билан тўлдиргучи шамол...

Болалар бошига шундай она келиши эҳтимоли бор. Бундай эҳтимол катта. Бутун ихтиёр қўлдан кетиши мумкин. Шу ўй Одилбекни эговларди. Она ҳасратида юраклари доғланган гўдакларга қараши билан ўзини уларга зулм фармонини имзолаган ҳаким ўрнида кўрарди.

(Давоми келгуси сонда.)

Йўлдош ЭШБЕК таржимаси

Бағдодлик олим ва шифокор Али ибн Исо Каҳҳол (ваф. мил. 1010) кўз касалликлари билан боғлиқ илм ривожига катта ҳисса қўшган. У мусулмон офталмологиясининг отасидир. Алломанинг исмидаги “Каҳҳол” – “окулист” нисбаси кўз касалликларини даволашда моҳир ва машҳур бўлганини билдиради. Ўрта асрларда Европада исмининг лотинча таржимаси “Jesus Occulist” номи билан танилган.

Али ибн Исо араб окулистларининг кўз касалликлари, уларнинг аломатлари, сабаблари ва даволаш усуллари тўғрисидаги билимларини тизимлаштирди. Олим мигрен билан кўриш муаммолари ўртасида боғлиқликни аниқлади. Шунинг билан бирга, у биринчи бўлиб беморни жарроҳлик амалиётида гипноз ва наркоз орқали беҳуш қилиб даволашни таклиф қилди.

кенг қамровли маълумотлар жамланмасидир. Асар Хунайн ибн Исҳоқ, Гален ва бошқа олимларнинг изланишларига асосланган бўлиб, кўзнинг анатомияси, касалликлари ва даволаш усуллари билан батафсил тавсифланди. Ибн Исо асарга кўз анатомиясига оид тасвирларни ҳам киритди. Бу ўз вақтида офталмология бўйича барча мурожаат қиладиган асл манба бўлди. Уни немис тилига Ж. Ҳиргиберг ва Липперт, инглиз тилига С. Вуд таржима қилди. Олимнинг фаолияти кейинги офталмологларнинг китобларида акс этди. Ушбу асар аввал форс тилига, кейинроқ лотин тилига таржима қилиниб, 1497 йилда Венецияда нашр қилинди.

Ж. Ҳилгиберг асарни таржима қилиш жараёнида мусулмонларнинг нафақат тиббиётда, балки бутун илм-фан дунёсида

Офталмология асосчиси

Ибн Исо биринчи бўлиб Вогт Коянаги Харада синдроми (ВКХ) (сочлар, қошлар ва киприкларнинг оқариши билан боғлиқ кўзнинг яллиғланиши) белгиларини аниқлади. Шунингдек, у кўриш жараёни ҳақидаги назарияни ҳам илгари сурди. Каҳҳолнинг сўзларига кўра, нур аввал кўздан чиқади, сўнгра қайтиб келиб, мияда кўрган нарсаларини акс эттиради. Унинг назарияси кўриш жараёни биринчилардан бўлиб батафсил ёритиб берган Ҳасан ибн Хайсам тадқиқотлари учун асос вазифасини ўтади.

“Тазкиратул каҳҳолин” (“Офталмологларга эслатма”), баъзан “Окулистлар меморандуми” деб таржима қилинган илмий иши кўз касалликларини баён қилган, ўрта асрлар давридан сақланиб қолган



пешқадамлардан бўлганини англаб, уларга ўзининг холис баҳосини берган: “Ўрта аср Европаси тўлиқ зулматга чўмган даврда мусулмонлар илмимиз нуруни ёқдилар. Улар Ўрта аср Европасидаги ягона офталмологлар эди”.

Ж. Ҳилгиберг дунё тиббиётининг ривожланишига беқиёс ҳисса қўшган мусулмон табибларини муносиб эътироф қилиб айтади: “800–1300 йилгача Ислом дунёси бизга олтмишдан кам бўлмаган машҳур офталмологларни, офталмология бўйича қўлланмалар муаллифларини берди. У замонларда Европа окулист ким экани ҳақида эшитмаган ҳам эди”.

Манбалар асосида

Мунаввар РУСТАМ қизи тайёрлади.



Дўстлик ўзаро меҳр-муҳаббатга, ихлосга, сadoқатга асосланади.

Имом Термизий ва Имом Абу Довуд ривоят қиладиларки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Киши дўстининг динидадир. Шундай экан, бас, сизлар унинг кимни дўст тутганига қаранглар”**, дедилар.

Ҳакимлардан бирининг насиҳатида бундай дейилади: “Диёнатли, ақли ва одобли киши билан дўстлашгин. У муҳтожлигингда ёрдамчинг, қийин кунларингда қўлловчинг, маъюслигингда қувончинг, хотиржамлигингда зийнатинг бўлади”.

Учрашиб қолганда саломлашишга шошилиш, дўст касал бўлганда ҳолидан хабар олиш, акса урса, унга яхшилик тилаш, Аллоҳ йўлида тез-тез зиёрат қилиш, қийналганда ёрдам бериш, бошига мусибат тушса, мусибатига шерик бўлиш, агар хурсандчилик бўлса, хурсандчилигини баҳам кўриш, байрамлар билан қутлаш, байрамларда дўстларга ҳадя улашиш дўстлигининг зарурий талабларидан ҳисобланади.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: “Дўстларни кўпайтиринглар. Мўмин дўстлар қиёмат кунинда бир-бирларини шафоат қиладилар”, дейди.

Ибн Шубрума дўстларидан бирининг муҳим ҳожатини чиқарганида дўсти унга совға олиб келибди. “Бу нима?” деб сўради Ибн Шубрума. “Ҳожатимни чиқарганинг учун”, деди. “Ол молингни! Аллоҳ сенга офият берсин! Агар дўстингдан ҳожатингда ёрдам сўрасанг ва у сенга ёрдам бермаса, таҳорат қил-да, уни ўлган санаб, тўрт такбир айтиб, жанозасини ўқиб қўявер”, деди Ибн Шубрума.

Салафи солиҳлардан баъзилари дўстининг вафотидан кейин қирқ йил унинг болалари ва

аҳли аёлидан хабар олиб турган. Ҳар кунини ўз молидан уларнинг таъминотларини жойига қўйган. Фарзандлар оталаридан кўрмаганларини унинг дўстидан кўришган.

Инсонлар ўзаро бир-бирларини Аллоҳ учун севсалар, дўстлашсалар, бу дунё ва охират яхшиликларига эга бўладилар. Шундагина бу дўстлик уларга икки дунёда ҳам манфаат келтиради.

Муяссар ҲАСАНОВА,

Гулистон шаҳар отинойиси

Аллоҳ буюк

*Эй заминдан унган майса,
Менга сенинг қадринг улуг.
Фақат Унга ҳамду сано,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

*Фариштадан улуг айлаб,
Ер юзига “ҳоким” сайлаб.
Турар яна минг авайлаб,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

*Жонинг аро ширин жонинг,
Фарзандинг сенинг мадоринг.
Ундан орзуйинг, армонинг,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

*Зимистонда бир нур пайдо,
Ким ҳам бўлмас унга шайдо!
Ишққа асир шоҳу гадо,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

*Эй биродар, рози бўлгин,
Ақл берган, шукр қилгин.
Ундан ўзгани демагин,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

*Бир сабримга тоғлар бериб,
Фаногача сано айтиб.
Имон зам-замини ичиб,
Аллоҳ буюк, Аллоҳ буюк!*

Шоира ҲАКИМОВА

Идиш-товоқ ювиш ва саломатлик

Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Икки неъмат борки, одамларнинг кўплари уларда зиёндадирлар – (улар) соғлиқ ва хотиржамлик”**, дедилар (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, соғлиғимизга эътиборли бўлиш, уни асраш ҳар бир мўмин-мўминанинг бурчидир. Хусусан, уй бекалари оила аъзоларининг ҳар бири соғлиғига жавобгардирлар.

Бугунги кунда ошхонада дастёримизга айланган идиш ювиш гелларининг зарарлари ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Мутахассислар олиб борган кўплаб тадқиқотларидан аён бўлишича, гелнинг таркибига ҳид бериш учун қўшилаётган турли қўшимчалар ундаги

заҳарли кимёвий моддаларнинг ўткир ҳидини яшириш учун қўлланилади. Доимий равишда бундай геллардан фойдаланиш инсон организмда қатор жиддий касалликларни келтириб чиқаради. Идиш яхшилаб ювилиши учун камида 30 сония оқиб турган иссиқ сувда чайилиши керак. Акс ҳолда, унинг қолдиқлари озиқ-овқат билан ошқозонга тушиб, овқатдан заҳарланиш, ички органларнинг зарарга учраши ва ошқозон бузилишига олиб келади. Мутахассислар фикрича, гелдан мунтазам фойдаланадиган одам йилига бир стакан гелдан “истеъмол қилади” дейиш мумкин.

Бунинг оқибатида турли онкологик касалликлар, қўл териси ва бутун танада аллергия реакциялар, нафас олиш қийинлашиши, тери касалликларининг ривожланиши, ўпка ва бронхлар билан боғлиқ касалликлар хуруж қилади ва бу кўпинча йўтал орқали намоён бўлади.

Энг ёмони гелда ювилган идишдан овқатланган болаларнинг 99% турли хил аллергия касалликлардан азият чекишади.

Хўш, уни бошқа қандай восита билан алмаштириш мумкин?

Бир дона кир совунни қирғичдан ўтказиб, ярим қути чой содаси солинади ва сувга бўктириб қўйилади. Бу ҳар хил геллардан кўра, идишларни тез ва осон тоза қилади.

Уй бекаларимизга зарарли геллардан воз кечиб, табиий воситалардан фойдаланишни тавсия қиламиз.

Робияхон ТОҲИРОВА тайёрлади.

